БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 46 (3018) | Якшанба, 7 март 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЭРТАГА 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

...Хотин-қизларни жамият учун фойдали ишларга жалб қилиш, уларни «уй чўрилигидан» қутқазиш, уларни тўмтоқлаштирадиган ва пастга урадиган абадий тобеликдан озод қилиш — доимий суратда ва фақат қозон-товоқ, бола-чақа билан овора бўлиш шароитидан озод қилиш — асосий вазифа мана шу.

Бу кураш — ижтимоий техникани ҳам, хулқ-атворларни ҳам тубдан ўзгартишни талаб қиладиган, узоқ давом этадиган курашдир. Лекин бу кураш коммунизмнинг тўла ғалабаси билан тамомланади.

В. И. ЛЕНИН.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг МУРОЖААТИ

Қадрли хотин-қиз ўртоқлар!

Оналаримиз, опа-сингилларимиз, дўстларимиз!

Шонли меҳнаткаш хотин-қизларимиз, коммунизмнинг актив қурувчилари!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сизларни 8 Март — Халқаро хотин-қизлар куни, озодлик ва ҳуқуқий тенглик учун, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун, бутун дунёда тинчлик учун курашда бутун жаҳон хотин-қизларининг жипслиги ва бирдамлиги куни билан қизғин ва самимий табриклайди ҳамда қутлайди.

Совет халқининг барча тарихий ғалабаларида хотин-қизларнинг роли жуда катта. Улар Советлар ҳокимияти учун эркаклар билан бир ёқадан бош чиқариб курашдилар, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида қўлга қурол олиб Октябрь ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар ва беш йилликлар даврида ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан социализм қурилишига катта ҳисса қўшдилар.

Коммунистик партия марксизм-ленинизмнинг, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлигининг улуғ идеялари руҳида тарбиялаб етиштирган барча совет республикаларининг хотин-қизлари ҳозирги кунда ҳам эркаклар билан бир сафда туриб, инсониятнинг йорлоқ истиқболи — коммунизм сари бормоқдалар. Совет хотин-қизлари ҳамма жойда — фабрика ва заводларда, колхоз ва совхозларда, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи системасида, фан, адабиёт ва санъат соҳасида илҳомбахш ижодий меҳнатлари билан социалистик Ватан шуҳратини янада оширмоқдалар.

Хотин-қизлар давлатни, мамлакат халқ хўжалигини бошқаришда катта ўрин тутадилар. Улар кўпгина саноат корхоналари, илмий муассасалар, колхозлар, совхозларга етакчилик қилмоқдалар, давлат ҳокимиятининг олий органлари — СССР Олий Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари ишида, маҳаллий Советлар ва жамоат ташкилотларининг фаолиятида бевосита қатнашмоқдалар.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва бутун халқ совет хотин-қизларининг фидокорона меҳнатига, уларнинг Ватан олдидаги хизматларига муносиб баҳо бердилар: бир миллиондан кўп хотин-қиз ҳукумат мукофотларини олишга сазовор бўлди, уч мингга яқин хотин-қиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак номни олганликлари билан фахрланмоқдалар.

Социализм ва коммунизм қурилишида Совет хотин-қизлари ва уларнинг қардош социалистик мамлакатлардаги қаҳрамон дугоналари эришган муваффақиятлари, мустаҳкамланиб бораётган интернационал бирдамлик капиталистик мамлакатлар ва мустамлака мамлакатларнинг меҳнаткаш хотин-қизларини эксплуатация ва зулмга қарши, озодлик ва миллий мустақиллик учун, демократия ва тинчлик учун актив кураш олиб боришга илҳомлантиради.

Барча мамлакатлардаги хотин-қизларнинг урушга қарши курашдан ҳам юксакроқ ва олижаноброқ мақсадлари йўқ. Болаларга ҳаёт бағишлаган ва уларни тарбиялаётган аёллар тинчликни тобора зўр қабот билан ҳимоя қилмоқдалар. Улар Американинг Вьетнамга қарши агрессияси ва Конго ишларига қонли аралашиш дарҳол тўхатилсин, деб талаб қилмоқдалар, Ғарбий Германия милитаристларини ядро куроли билан таъминлашга кескин суратда қарши чиқмоқдалар.

Мамлакатимизнинг хотин-қизлари уруш олови ёқувчи империалистларга қарши, мустаҳкам тинчлик учун курашувчиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар. Улар Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ўтказиб келаётган ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатни астойдил қўллаб-қувватламоқдалар ва жонажон Ватаннинг қувватини мустаҳкамлаш ҳамда шуҳратини ошириш учун куч-ғайратларини аямаётирлар.

КПСС Марказий Комитети Совет Иттифоқидаги барча хотин-қизларни тинчликни мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам тинмай кураш олиб боришга, барча мамлакатлардаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг интернационал бирдамлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга, уларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга даъват этади.

Қадрдон дўстларимиз!

Коммунистик партия, барча совет кишилари Сизларга сиҳат-саломатлик, катта бахт, саодатли тинч ҳаёт кечиришингизни астойдил тилайдилар!

Коммунизм қураётган, тинчлик учун ва ер юзидаги барча кишиларнинг бахт-саодати учун астойдил курашаётган совет хотин-қизларига шон-шарафлар!

Яшасин бутун дунё меҳнаткаш хотин-қизлари!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Қўллари гул, бахтнёр қизлар,
Юзларида севинч бир жаҳон.
Ҳур диёрда кулган юлдузлар,
Йўлларига нур сочган даврон.
Меҳнат қилиб шон қучган қизлар,
Шарафларни улуғлар диёр.

Толеларин гулшанга буркаб
Йўлларига гул сочар баҳор.
Она-Ватан улар меҳнатин,
Шонга буркаб она қизим дер.
Истиқболин порлоқ йўлида,
Мангу сўнмас нур юлдузим дер.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СОВЕТ ИТТИФОҚИДАГИ БАРЧА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН БУНДАН БУЁН ҲАМ ТИНМАЙ КУРАШ ОЛИБ БОРИШГА, БАРЧА МАМЛАКАТЛАРДАГИ МЕҲНАТКАШ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИНТЕРНАЦИОНАЛ БИРДАМЛИГИНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАШ ВА КЕНГАЙТИРИШГА, УЛАРНИНГ БИРЛИГИ ВА ЖИПСЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДАЪВАТ ЭТАДИ.

КПСС Марказий Комитетининг 8-Март Мурожаатидан

ҒАЛЛАКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Қиш фаслида техника ремонти билан банд бўлган механизаторлар энди трактор рулига ўтириб ерга уруғ қадаяптилар. Далаларда иш қизиб кетди. Ғаллакорлар бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда баҳорги дон экиш авж олиб кетди. Далаларда 8 та трактор жавлон уриб ишламоқда. Экишнинг дастлабки тўрт кунидаёқ азамат механизаторлар 200 гектар ерга буғдой экдилар. Бундай ютуқларни қўлга киритишда механизаторлардан Қўшали Сафаров, Алимберди Тожибоев ўртоқларнинг ҳиссаси катта. Улар ўз агрегатлари билан кунига 15 гектар ерга уруғ ташлояптилар.

Колхознинг Ленин участкаси ғаллакорлари 600 гектар ернинг ҳар гектаридан 16 центнердан дон кўтаришга аҳд қилганлар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун барча чора-тадбирларни кўряптилар.

«Ленинобод» колхозида ҳам баҳорги дон экиш юқори агротехника талаблари асосида ўтказилмоқда. Бу хўжаликда ҳозирги қадар 130 гектар ерга арпа экилиб бўлинди.

Шунингдек, райондаги «Политотдел», «Правда» қишлоқ хўжалик артелларида ҳам баҳорги дон экиш уюшқоқлик билан ташкил қилинган. Район ғаллакорлари дон экишни маҳаллий Советлар сайлови кунига қадар тугаллаш ниятидаги меҳнат қилмоқдалар.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

КАРТОШКА ЭКИБ БЎЛИНДИ

Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхозда эртанги экинларни экиш қизиб кетди. Айниқса бу иш ўртоқ Ҳожимурод Баҳодиров бошлиқ бригадада намунали олиб борилмоқда. Бригада аъзолари фидокорона меҳнат қилиб, қисқа вақт мобайнида эртанги картошка, редиска ва сабзини экиб, бўлдилар.

Бригада аъзолари помидор, бодрингг учун ер тайёрлашни қизитиб юборишди. Далаларга кўплаб маҳаллий ўғит чиқаримоқда. Бригада аъзолари савдо дўконларига тезроқ кўкпиёз чиқаришга ҳаракат қилишмоқда. Улар тўрт гектар ердаги пиёзни биринчи парваришдан чиқариб қўйишди.

И. РУСТАМОВ.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз чорвадорлари зўр ғайрат кўрсатиб шаҳар аҳолисига кўплаб сут, гўшт ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштириб беришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Чорвадорлар сут соғишни кўпайтириб, икки ойлик планни ортириб бажардилар. 106-точна ўрнига 109 тонна серқаймоқ сут топширилди.

Колхозда тухум тайёрлаш ҳам яхши кетмоқда. Қисқа вақт ичида 30 минг дона тухум давлатга сотилди. Ғўшт тайёрлаш квартал плани эса 163 процент қилиб адо этилди.

Чорва молларини боқишда ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда жуда кўп хотин-қизлар намунали ишламоқдалар. Дилором Зиёдова, Меҳри Аширматова каби хотин-қизлар 8-Март байрами кунини меҳнатда янги ғалабалар билан нишонламоқдалар.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ОДАМЛАР БИЛАН ИШЛАШ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз партия комитетининг чигит экиш ҳамда ғўза парвариши даври учун белгилаган тадбирлари

Ўрта Чирчиқ район партия комитети Охунбобоев номли колхоз партия ташкилотининг чигит экиш ва ғўза парвариши даврида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш юзасидан белгилаган тадбирларини кўриб чиқди. Район партия комитети районнинг бошланғич партия ташкилотлари зиммасига колхозчилар ўртасида олиб бориладиган оммавий ва сиёсий ишларнинг аҳволини муҳокама қилиш ва уни яхшилаш чораларини белгилашни тавсия этди.

□ □ □

Ўтган йили Охунбобоев номли колхоз аъзолари пахта, чорвачилик маҳсулотлари ва пилла етиштириш юзасидан зиммага олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Колхозда пахта ҳосилдорлиги ошди. 1422 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 31 центнердан ҳосил олиниб, план топшириғи 33 процент ошириб бажарилди.

Ўтган йили даромад юқори бўлганлиги туфайли колхозчиларнинг маданий-маиший турмуши шароитини янада яхшилаш учун 65700 сўм сарфланди. Бу маблағга 1—4-бригадаларда 80 ўринли болалар яслиси, медицина пункти, баҳоликор участкада ётоқхона, 2-участкада эса клуб қурилди. 1965 йилда 9, 10-бригадаларда ҳам маданият ўчоқларини вужудга келтириш планлаштириб қўйилди.

Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигидан руҳланган колхоз аъзолари ўз зиммаларига юксак мажбурият олдилар. Улар 1965 йилда мамлакатга 3500 тонна пахта, 2150 центнер ғалла, 540 центнер ғўшт, 1700 центнер сут ва 25 центнер жун, 43 центнер пилла сотишга аҳд қилдилар.

Колхозчилар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажариш учун кўклам экиш кампаниясига ҳартарафлама пухта тайёргарлик кўряптилар. Мавжуд 59 ҳайдов ва чопиқ тракторлари, 22 сеялка, 142 борона, 38 ғўғитлагич культиватор ва 14 та плуг тўла ремонтдан чиқарилиб, дала ишларига шай қилиб қўйилди. 1000 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит тайёрланди. Колхозчилар мавжуд транспорт воситаларидан унумли фойдаланиб, бу ўғитларни дала бошларига ташиб чиқармоқдалар. Керакли миқдорда суперфосфат, селитра ва калий тузи ҳам жамғариб қўйилди. Уруғлик чигит ҳам ташиб келтирилди.

Комплекс механизацияни жорий қилмасдан туриб хўжаликни интенсив равишда бошқариб бўлмайди, албатта. Буни яхши тушунган колхоз аъзолари қиш даврида 8 янги механизатор тайёрладилар. Шунингдек, 66 тракторчи ва пахта териш машинасининг механик - ҳайдовчилари қайта тайёрлаш курсида ўқиб, малакаларини оширдилар. Бу йил мўл ҳосил учун курашда 96 механизатор қатнашади.

Кўкламга тайёргарлик даврида механизаторлар билан беш кунлик семинар ўтказилди. Бу семинарда механизаторлар бригадалар ва звеноларда хўжалик ҳисоби системасини жорий қилиш ва меҳнатга ҳак тўлаш йўллари, шунингдек чигит экиш ва ғўзани парвариш қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар билан танишдилар. Бир сўз билан айтганда колхозчилар чигит экиш бошланган кизғин кунларда шошиб қолмаслик, бир соат ва бир минутни ҳам бекор ўтказмаслик учун ҳозирдан бошлаб ҳамма нарсани тахт қилиб қўйиш чораларини кўрмоқдалар. Халқимизнинг баҳорнинг бир куни йилга татийди деган доно гапи бор. Колхоз партия ташкилоти олиб борадиган ишларни ҳамма ишчилар ва ёшларга ташкилий ва сиёсий ишларда бу фикр қизил ип бўлиб ўтади. Коммунистлар дала ишларига тайёргарлик кўриш мусобақасининг авангардлари бўлмоқдалар. Улар меҳнатда шахсан намуна кўрсатиб, бошқаларни ҳам унумли ва намунали меҳнат қилишга рағбатлантирмоқдалар.

Социалистик мажбуриятни бажариш учун олиб борилаётган қурашда оммавий-сиёсий ишларнинг юксак савияда йўлга қўйилиши катта роль ўйнайди. Колхоз партия ташкилоти ана шуни ҳисобга олиб, қилинадиган ишларнинг планини тузиб чиқди. Планда асосий эътибор оммавий-сиёсий ишларни далада, яқин кунларда мўл ҳосил учун кураш кенг кўламда қизитиб юбориладиган жойнинг ўзида ўтказиш кўзда тутилади.

Колхоз коммунистлари қуйидагиларни асосий вазифа қилиб белгилаб олдилар:

Экиш бошлангунга қадар мавжуд барча дала шийпонларини ремонтдан чиқариш, 1, 3 ва 11-бригадаларда эса янги типовой хоналар қуриш, шундай қилиб барча бригадаларда колхозчиларнинг дам олиши учун яхши маданий ва маиший шароитларни вужудга келтириш;

ҳар бир дала шийпонини китоблар, журнал ва брошюралар, шахмат-шашкалар билан таъминлаш. Кундалик газеталарни ўз вақтида келтириб туриш;

деворий газетани ҳар ойда бир марта, «Жанговар варақа»ларни эса икки ҳафтада бир марта чиқариб туриш;

бадиий, илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмларни кўрсатиш графигининг бажарилишини назорат қилиб бориш, шунингдек колхоз маданият уйи ва маҳаллий мактабларнинг ҳаваскорлик коллективлари иҳросида дала шийпонларида концертлар уюштириб туриш;

ҳар бир дала шийпонига партия ташкилоти агитаторларни ва «Билим» жамияти колхоз лекторлик группасидан бир лекторни биркитиб қўйиш;

ҳар ўн кунликда бригадалар ва звеноларнинг ўртасидаги социалистик мусобақага мунтазам равишда яхши ясаш ва мусобақа натижаларини омма ўртасида кенг тушунтириш, бунда кўргазмали агитация воситалари ҳамда деворий газета, «Жанговар варақа»лар ва колхоз радиоузелидан фойдаланиш; ҳар бир бригада дала шийпонида колхозчилар учун иссиқ овқат ташкил этиш:

Ўтган йили болали колхозчи аёлларга қулайлик туғдириш учун 4 та дала шийпонида мавсумий болалар яслилари ташкил этилган эди. Экиш бошлангунга қадар 2, 3, 5, 9 ва 11-бригадаларнинг дала шийпонларида ана шундай яслиларни ташкил этиш ва уларни керакли буюмлар, жиҳозлар ва ўйинчоқлар билан таъминлаш. Болалар иссиқ овқат билан таъминлаб турилади.

* * *

Бу тадбирларни очиқ партия йиғилиши муҳокамасига қўйиб, колхоз партия комитети коммунистлар, партиясиз колхозчиларни кўклам экиш кампаниясига тайёргарликни муваффақиятли ўтказиш, дала ишларини ташкилий равишда ва юксак агротехника савиясида олиб бориш, давлатга барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш юзасидан зиммага олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш учун бутун куч ва ғайратларини сарфлашга чақирди.

Коммунистлар белгиланган тадбирларни амалга оширишда жанговар ташкилотчи бўлмоқдалар.

САБЗАВОТ ЭКИЛМОҚДА

Оржоникидзе ва Калинин районларидаги ихтисослаштирилган хўжаликларнинг сабзавотчилари Тошкент областида биринчи бўлиб экишга киришдилар. Улар эртаги редиска, пиёз, лавлаги, сабзи экишни авж олдириб юбордилар. карам кўчати ўтказишга киришдилар. Оржоникидзе районидаги Ленин номли ва «Қизил Ўзбекистон» колхозларининг аъзолари картошканинг эртапишар «седов», «лорх», «берлихенген» ва бошқа навлари уруғини экмоқдалар.

Тошкентлик сабзавотчилар Қрим областидаги «Горний» совхози тажрибасидан урнак олиб, бу йилги мавсумда 35 гектар майдонда гидропон усулида бодринг ва помидор етиштирмоқдалар. Бу эса ўтган йилдагига нисбатан уч баравар кўпдир. «Қорасув» совхозининг сабзавотчилари полиэтилен пленка билан қопланган етти гектарлик полиздан юқори ҳосил олишга аҳд қилдилар.

Ўзбекистон селекциячилари етиштириган ва гектар бошига 200 центнердан ҳосил олиш имконини берадиган «юсуповский», гектаридан 250 центнер ҳосил кўтариш имконини берувчи «куйлюкский-742» каби помидорнинг серҳосил навлари биринчи марта катта майдонларда етиштирилади.

Тошкент областининг меҳнаткашлари етти йилликнинг еттинчи йилида сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари майдонини 28.800 гектарга етказишга ва 4,5 миллион центнер сабзавот ҳосили йиғиштириб олишга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗ ОНАЛАР, ОПА-СИНГИЛЛАР!

СОВЕТ ШАРҚИ ГУЛЛАРИ

Х. Р. МУСАХОНОВА,

Тошкент область партия комитетининг секретари

<>

Эртага 8-Март. Халқаро хотин-қизлар куни. Бу мўътабар сана-ни ҳар йили озодлик ва тенгҳуқуқлик учун, ҳамма халқларнинг дўстлиги ва бахт-саодати учун, ер юзида мустаҳкам тинчлик учун курашда бутун дунё меҳнаткаш хотин-қизларининг бирлиги ва бирдамлиги куни сифатида байрам қиламиз.

Совет хотин-қизлари бу шонли байрамни ҳаётнинг ҳамма соҳаларида янги ажойиб муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Коммунизм қуриш программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда, саноатимиз етти йиллик плани зафарли якунлаш сари бормоқда, қишлоқ хўжалигида анча ютуқларга эришилди. Буларнинг ҳаммасида хотин-қизларимиз ижодий меҳнати ва куч-ғайратининг улкан ҳиссаси бор.

Озодлик ва тенгҳуқуқлилик кунини байрам қилар эканмиз республикамиз хотин-қизлари ҳаётида рўй берган революцион ўзгаришларни фахр билан кўз олдимизга келтирамиз. Ўзбекистон яқиндагина 40 йиллик юбилейни нишонлади. Ана шу йиллар ичида хотин-қизларимиз — аёлларимиз турмушининг бутун соҳаларида тубли ўзгариш бўлди. Ўтмишда Шарқ аёли ҳуқуқсизликдан, эрнинг қули бўлиб, хору-зорликдан оҳ чекарди. Ислом дини аёл кишини сотиш ва сотиб олишга рухсат этибгина қолмай, ҳатто ўлдиришга ҳам фатво берган, оилада қиз боланинг дунёга келиши эса бахтсизликнинг нишонаси деб ҳисобланган. Лаънати паранжи хотин-қизларни ёруғ дунёдан маҳрум этарди, аёл киши ижтимоий ҳаётда қатнашишдан мутлақо маҳрум эди.

Улуғ Октябрь Ўрта Осиё хотин-қизларини зулм ва тенгсизликдан абадий халос этди. Уларнинг талант ва қобилиятлари учун ёрқин истиқбол йўлини очиб берди. Хотин-қизларни озод этиш, уларни янги ҳаёт қурилишига актив жалб этиш республикамизда, жумладан Тошкент областида қўлга киритилган революцион ўзгаришларнинг энг ёркини ва энг салмоғлиси ҳисобланади. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ижтимоий бурчни чуқур англайдиган, ҳаётда ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаган, бутун куч ва талантини умумий ишимиз — коммунизм қурилишига бағишлайдиган янги аёл тарбияланиб, вояга етди.

Совет ҳокимияти дунёга келган дастлабки вақтдаёқ В. И. Ленин миллион ва миллион хотин-қизлар иштирок этгандагина Совет ҳокимияти бошлаган ишни олга силжитиш мумкин, деб уқтирган эди. Доҳийнинг бу кўрсатмаси мамлакатимизда изчил амалга оширилиб келаётир. Ҳозир областимиз халқ хўжалигида 300 мингга яқин хотин-қиз ижодий меҳнат билан машғул. Шулардан 100 мингдан ортиғи саноатда, 50 мингга яқини соғлиқни сақлаш соҳасида, 36 минги халқ маорифида ишламоқда. Қишлоқ хўжалигида ишлаётган деҳқонларнинг 50 процентини хотин-қизлар ташкил этади. Меҳнаткаш хотин-қизларимизнинг бу катта армияси ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари билан коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз хотин-қизларнинг меҳнатда кўрсатган қаҳрамонликларига доимо юксак баҳо берадилар. СССР Олий Совети Президиумининг республикамиз меҳнаткашларини ҳукумат орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонида областимизда меҳнат қилаётган минглаб онахонлар ва опа-сингилларимизнинг ҳам номини ўқиб, беҳад қувондик.

Биз байрам арафасида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши илғорлари бўлган Тошкент тўқимачилик комбинатининг арқоқчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Марҳамат Йўлдошева, тўқувчи Любовь Светашова, коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи Мария Алпатова, Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз раиси Умри Ҳасанова, Янгийўл районидаги Киров номли колхознинг комплекс механизациялашган бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, 1-«Оҳангарон» совхозининг сут соғувчиси Хилва Жаҳонова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мақка жўхорикор, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг бригада бошлиғи Любовь Ли, Бўка районидаги «Бўка» совхозининг ишчиси Уржон Мантаева, Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг звено бошлиғи Адолат Рўзматова, Чирчиқ электрохимия комбинатининг аппаратчиси Анна Никитина, Тошкент шаҳридаги 153-қурилиш трести 14-қурилиш бошқармасининг ғишт терувчиси Ойша Мирмуҳамедова, Ўзбекистон тракторийғув заводининг штамповкачиси Маргарита Сойнова каби юзлаб меҳнат фронти қоғиблари номини зўр ҳурмат билан тилга оламиз. Улар бундай обрў ва эътиборга, шон ва шуҳратга фидокорона меҳнатлари туфайли сазовор бўлдилар.

Совет интеллигенциясининг вужудга келиши халқимиз, партия ва ҳукуматимиз қўлга киритган энг муҳим ютуқлардан ҳисобланади. Хотин-қизлар — коллектив раҳбари, омманинг ташкилотчиси, олима, партия ва давлат арбоби. Бу сўзлар бизнинг замонамизда мағрур жаранглайди. Адабиёт ва санъат соҳасида баракали ижод қилаётган хотин-қизлар ҳам анчагина. Профессор, техника фанлари доктори Маҳсуда Хожинова, кекса педагог ва тадқиқотчи И. А. Райкова, медицина фанлари доктори профессор Зулфия Умидова, шоира Зулфия, СССР халқ артистлари Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Сора Эшонтўраева, Галия Измайловаларнинг номи мамлакатимиздагина эмас, чет элларга ҳам машҳур бўлиб кетган.

Таълим-тарбия ишларида актив иштирок этиш областимиз хотин-қизлари маданий камолотининг ёркин далилидир. Қирк мингга яқин хотин-қиз энг шарафли ишда — ёш авлодни тарбиялаш соҳасида ишламоқда. Улар тарбиялаб вояга етказган, ҳаётга йўлланма берган йигит ва қизларни санаб тамомлаш қийин. Шунингдек областимизда 12 мингдан ортик хотин-қиз меҳнаткашларнинг сог-саломатлиги йўлида ҳормайтолмай ишламоқда. Уларнинг жуда масъулиятли ва шарафли касблари ҳақида ҳар қанча илиқ сўзлар айтсак ҳам камлик қилади.

Халқимиз хотин-қизларнинг Ватан олдидаги фидокорона меҳнатларини қадрлаш билан бирга уларга катта ишонч ҳам билдиради. Ҳозир меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларга сайлов арафасида турибмиз. Депутатликка номзод қилиб ўйҳатга олинганлар орасида хотин-қизлар 4545 кишини ташкил этади. Область, шаҳар ва район партия комитетлари составида 500 хотин-қиз бор. Олтиюз кишн эса партия ташкилотларининг секретарлари қилиб сайланган. Областимизнинг ҳамма районларида меҳнаткашлар депутатлари ижроия комитетларида, корхоналар, муассасалар, шифохоналар ва мактабларда раҳбарлик вазифаларида муваффақият билан ишлаётган хотин-қизларни кўплаб учратиш мумкин.

КПСС XXII съездидан кейин ўтган давр ичида партия ташкилотлари хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни анча яхшиладилар. Лекторийлар, меҳнаткашлар яшайдиган жойларда агитпунктлар ташкил этиш, жамоатчилик асосида кутубхоналар очиш, назарий ва иқтисодий конференциялар ўтказиш, қизлар клуби, слётлар, савол ва жавоб кечалари уюштириш каби хилма-хил формалар кенг қўлланилмоқда. Агитация-пропаганда ишида қатнашадиган, сиёсий маориф системасида ўқийдиган хотин-қизлар сони сўнгги вақтларда анча ўсди. Областда 12 мингга яқин хотин-қиз пропагандистлик ва лекторлик қилмоқда, сиёсий маориф системасида эса 130 мингдан ортиқ киши ўқимоқда.

Ғоявий-сиёсий тарбия ишлари олиб боришда 2 мингга яқин хотин-қизлар Советлари партия ва совет ташкилотларига катта ёрдам кўрсатаётирлар. Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарлари, Тошкентнинг Октябрь райони, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл районларидаги хотин-қизлар Советлари ёш авлодни тарбиялаш, аёллар активлигини оширишда бой тажриба тўплашди.

Болаларни тарбиялашда партия ва ҳукуматимиз оналарга жуда катта имкониятлар яратиб берган. Ҳозир областимиздаги боғча ва яслиларда 95 мингдан ортик бола тарбияланмоқда. Колхоз ва совхозларда мавсумий ишлар бошланганда эса бу рақам яна ҳам ортиб кетади. Мактаб-интернатларда 9 мингдан ортиқ, узайтирилган кун мактаблари ва группаларида эса 30 мингга яқин бола тарбияланмоқда. Санаторий ва пионер лагерларида эса ҳар йили минглаб ўғил-қизлар ҳордик чиқариб, саломатлигини мустаҳкамлайди.

Кейинги йилларда областимиз шаҳар ва қишлоқларида хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштирадиган маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини кенгайтиришга ҳам жиддий эътибор берилмоқда 1964 йилда хизмат кўрсатиш ҳажми 1963 йилга нисбатан 32,8 процент ортди.

Шу билан бирга хотин-қизлар активлигини ошириш, улар орасида олиб бориладиган ғоявий-тарбиявий ишларни яхшилаш соҳасида ҳали жиддий камчиликлар ҳам бор. Партия олдимизга хотин-қизларни раҳбарлик ишларига янада активроқ кўтариш, уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш, болалар муассасаларини бутун чоралар билан кўпайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш йўли билан хотин-қизларни рўзғор ишларидан кўпроқ озод қилиш вазифасини қўймоқда. Ҳаётимизда коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси принциплари қарор топаётган ҳозирги вақтда баъзи жойларда ҳали ҳам учраб турадиган эскилик қарқитларига, хотин-қизларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиш ҳолларига ва уларнинг ҳаётдаги муҳим ролига етарли баҳо бермаслик сингари ҳолларга қарши қатъий кураш олиб бориш керак. Бу масалалар партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг доимо диққат марказида бўлиши зарур.

Областимиз хотин-қизлари бепоён мамлакатимиздаги миллионмиллион ўз дугоналари билан елкама-елка туриб буюк Ленин, доно партиямиз кўрсатган бахт ва истиқбол йўлидан бориб, Ватанимиз бойлиги, куч ва қудратини ошириш учун янада фидокорона меҳнат қиладилар, коммунизм қурилиши йўлида янгидан-янги зафарларга эришадилар.

Машҳур механизатор, «зангори кема» капитанларининг карвонбошиси Турсуной Охунова ўз издоши, ҳамқишлоғи Турсуной Йўлдошева кўксига ҳукуматимизнинг юксак мукофоти Меҳнат Қизил Байроқ ордени тақар экан, уни чин қалбидан самимий табриклади.

А. АБАЛЯН фотоси.

ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИМИЗ

Чилонзорнинг бугунги жамолига бир назар ташланг. Турна-қатор тизилиб кетган кўп қаватли турар-жой бинолари, кинотеатр ва магазинлар. Улар инсон қўли билан олам юзини кўрган «Черемушка» кўрикда бизнинг бригада аъзоларининг ҳам хиссаси бор. Улар катта-катта қурилиш ишларини олиб борадилар. Бригададаги 70 кишининг ҳаммаси меҳнатсевар, ажойиб одамлар. Улар билан ишлаш ҳам мароқли, ҳам завқли.

Бригадамиз аъзолари асосан ғишт теради. Мен бу ерга келганимда ҳали қўлимда ҳунарим йўқ эди. Дастлаб оддий ишчи бўлиб ишладим. Кейин тажрибали ғишт терувчилар мени ўзларига шогирдликка олишди. Яқинда биринчи разрядли ғишт терувчи бўлиб мустақил ишлашга ўтдим. Ҳар сменада икки мингга етказиб ғишт босаяпман. Бригадиримиз Хусанн Игизов ҳам, дугоналарим ҳам ишимдан хурсанд.

Ҳозирги кунда бригадамиз аъзолари Дўмбирободда қад кўтараётган кўппрофилли касалхона қурилишида меҳнат қилишяпти. 1 ва 2-корпуслар тўла-тўкис қад кўтарди. Ҳозирги кунда 3-корпусга ғишт теряпмиз. Бунинг ҳам биринчи қавати кўтарилиб, ҳозир иккинчи қаватига ўтганмиз. Яна бир неча кундан кейин беш қаватли учинчи корпус ҳам қўлимиздан чиқади.

Бригадамиз хотин-қизлари ўз байрамларини шундай катта-катта ютуқлар билан кутиб олишяпти. Улар ғайрати билан бригада шуҳратига шуҳрат қўшилмоқда. Ҳозирги кунда бошқармамиз бўйича бошланган социалистик мусобақада олдинги сафда боряпмиз. Ҳали олдимизда улкан вазифалар турибди. Касалхонадан ташқари кўплаб турар-жой бинолари қуришимиз керак. Кўзлаган маррамизга биз албатта етамиз. Ғайратимиз, шижоатимиз бунга гаров.

Насиба ИСМОИЛОВА,

153-қурилиш трести 14-бошқармаси коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси.

МАРОҚЛИ КЕЧА

Шаҳардаги 119-мактабнинг янги биносида Октябрь район «Мевазор» маҳалласининг 450 дан ортиқ хотин-қизлари йиғилишди. Халқаро хотин-қизлар байрами 8 Март олдидан ўтказилган йиғилишда кекса педагог, филология фанлари кандидати Музайяна Алавия доклад қилди. «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали редакторининг ўринбосари Ҳолида Ахророва, медицина фанлари кандидати Зуҳра Жамолова ҳамда бир неча ёш шоиралар ўз соҳаларида қандай ишлаётганликлари, ижодий режалари ҳақида гапириб бердилар. Кеча жуда мароқли ўтди.

МЕҲНАТ УЛУҒЛАДИ

Иш соати тугаган Муҳаббат опа кетмоқчи бўлиб энди кийинаётган эди, эшик тиқиллаб қолди. Қия очилган эшикдан аёл киши кўринди.

— Марҳамат, тортинмай кираверинг, — ичкарига таклиф қилди уни Муҳаббат опа.

Хонага оғзи аралаш бирёқ юзини рўмол билан бекитиб олган аёл «вой-вой»лаганича кириб келди. Муҳаббат опа ечиб қўйган халатини шошиб қайта кийди-да, унинг қўлтиғидан тутиб, креслога ўтказди.

— Тишим, тишим, — деб йиғидан қизарган кўзларини юмди аёл.

— Хафа бўлманг жонгинам, давосини қиламиз, — тасалли берди унга Муҳаббат опа ва ҳозиргина қайнатиб, артиб-суртиб қўйган асбобларидан бирини қўлига олиб, беморга яқинлашди...

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай эшикдан йиғлаб кирган бу аёл ҳалоскори — Муҳаббат опага қайта-қайта миннатдорчилик билдириб, табассум билан чиқиб кетди. «Ҳўп, ажойиб касбингиз бор-да. Тиш оғриғидек азоби ўткир дард бўлмаса керак. Болаларим катта бўлса, албатта бирортасини тиш докторлигига ўқитаман». Ҳозиргина ҳузуридан чиқиб кетган бемор Ҳафизахон Маҳмудованинг бу гапи, Муҳаббат опага кўп нарсани эслатди...

1945 йилнинг баҳор фасли эди. Тошкентдаги 59-мактабнинг 9-синфида ўқиб юрган Муҳаббатнинг тиши бир кун қаттиқ оғриб қолди. Оғриқ азобидан қизгина бутун тунни бедор ўтказди. Эрталаб унга онаси ёнгиналаридаги Охунбобоев номли медицина билим юртининг тиш даволаш кабинетига боришни маслаҳат берди. Муҳаббат шу ерда дардига шифо топди-ю ўша кундан унинг кўнглида тиш докторлиги мутахассислигига нисбатан ҳавас уйғонди.

Бора-бора бу ҳавас Муҳаббатнинг бирдан-бир мақсади бўлиб қолди. У 10-синфни битиргач медицина билим юртига ўқишга кирди. Танлаган касбини қунт билан эгаллади, меҳр билан ўқиди...

Мана ўн беш йилдирки Муҳаббат опа тиш даволаш доктори. Ўз касбини чиндан севган, хушфеъл, кишиларга меҳрибон бу аёлни Тошкент темирйўлчилари коллективи ҳам, шу темирйўлга қарашли 2-касалхона ҳамда унинг марказий поликлиникаси ишчи-хизматчилари ҳам жуда ҳурмат қилишади. Шунинг учун ҳам коллектив яқинда Муҳаббат Ҳожихонованн Ленин районидаги 41-сайлов округидан Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Хонага поликлиника тиш бўлими бошлиғи София Семёновна Волковецкая кириб келади.

— Ҳалиям шу ердамисиз, — деди у юзига табассум югуриб, — болангиз борлиги эсингиздами? Интизор бўлиб қолди-ку.

— Ҳозир кетаман София Семёновна, бир бемор келиб қолди, ташлаб кетолмадим...

— Коридорда кўрдим, Раҳмат Муҳаббатхон.

Раҳмат! Бу сўз кишига қанчалар куч-қувват бағишлайди, касбга меҳр орттиради. Э-ҳа, Муҳаббат ўн беш йиллик меҳнат фаолиятида кимларнинг дардига малҳам бўлмади! Кимлардан илиқ «раҳмат» сўзини эшитмади! Меҳнатинг — обрўйинг, деб шуни айтишади-да.

— Ҳаммадан ҳам менга унинг изланиши, доим янгиликка интилиши ёқади, — дейди София Семёновна мамнун бўлиб, Муҳаббат опа ҳақида гапираркан.

Изланиш, янгиликка интилиш. Бу замонамизда етишган янги инсонга хос фазилат. Муҳаббат опа ишидаги муваффақиятларнинг сири ҳам, коллектив ўртасида орттирган обрў-эътибор ва ишончнинг боиси ҳам шунда.

Ў. ЮСУФЖОНОВА.

Суратда: Муҳаббат Ҳожихонова ҳамкасби Т. Арутюнова билан оғриган тишнинг рентген суратини кўздан кечирмоқда.

В. САЛОВ фотоси.

ОНАЖОНЛАР

(8 МАРТ МОНОЛОГИ)

Хаёл кўзгусининг ипакдай майин пардаси орқасида жуда тотли, жуда сирли, аммо зинҳор-зинҳор қайтиб келмас тушдай қолиб кетган соғинч бир хотира бор. Деразадан ой ҳомуш мўралайди. Суриліб кела-кела, беланчакда ётган мурғак бошида тўхтайди-ю, майингина кафти билан пешонасини силай бошлайди. Сеҳргар ой бутун табиатни аллақачон тўшакка тортган. Энди у шу оромбахш, шу сокин жимликни бузишидан чўчигандай жажжи мурғакни ҳам олди қўйнига. Ой сеҳрига кўнмаган ким бор? Тун қўйнида ором олмаган ким бор?..

Она...

...Беланчак ғичирлайди. Алланечук мунгли, аммо орзу-умидлар билан тўлиб-тошган алла ойнинг ипак нурларига осилиб олиб арғимчоқ уча бошлайди фазода... Ҳаётнинг сўҳидами ана шундай бошланмайдими? Ўша мурғакнинг қулоқларига ҳаёт нашъасини ҳикоя қилувчи биринчи қўшиқ алла эмасми? Ўша мурғакка ҳаёт нашъасини айтиб берувчи Инсон она эмасми? Одамзод фарзанди дунёга келганида илк бор кимни кўради?

— Онани! Онани!

Инсон фарзандининг илк бор нима деб тили чиқади?

— Она деб! Она деб!

...Онажонлар... Киприкларимда кўтариб юрсаммикан?

Қизиқ... Дунёда ҳеч ким оналардай кўп кўз ёши тўкмаса керак. Мунис онажонлар, гам чекканда ҳам, қувонганида ҳам ёш қалқийди шу меҳрибон кўзларда.

Фарзанди илк бор атак-чечак қилганида ҳам, «Алифбе»ни кўтариб, мактаб остонасига қадам қўйганида ҳам, биринчи маошини олиб келганида ҳам, қиз узатганида, келин туширганида ҳам ҳаммадан кўра кўпроқ ҳаяжонланадиган она эмасми?

Шундай қилиб, фарзанд ўсаверади, наслар кетидан наслар келаверади-ю, оналар бошига аста-аста оппоқ қорлар ёгаверади. Шу бегубор, шу табаррук тоналаларнинг ҳаз бирига дунё хазинаси етармикин?

Онажонлар! Қиёшга ўхшатсаммикан сизни?

Жаҳондан жаҳон яратган Ленининг бешигини тебратган она эмасми?!

Дунё тилсимотига калит солган Арастуга заковат бахш этган она эмасми?!

Юлдузларнинг сирли оламида ҳаёлан кезган Улуғбекка илк бор оймумани кўрсатган она эмасми?!

Инсонлят бешиги — Ердан самога чиқиб кетишни орзу қилган Циолковскийни кафтида кўтарган она эмасми?!

Муҳаббат чаманидан ажиб бир гулдаста териб олган мавлоно Алишерни энг аввал ҳаёт гулшанига етаклаган она эмасми?!

Тиббиёт илминнинг ўлмас «Ал қонуни»ни яратган Абу Али ибн Сино болалик чоғида ҳеч оғримадимикан? Ана ўшанда уни даволай олган она эмасми?!

Юлдузларнинг асрий уйқусини бузуб қайтган фазокор Гагаринни биринчи бўлиб бағрига босган она эмасми?!

Эҳ онажонлар, онажонлар... Меҳрингизни тутиё этсаммикан кўзларимга? Гулдай нозик, пўлатдай маҳкам, булоқдай мусаффо, ҳақиқатдай мангу қалбингиз нималарга қодир эмас ахир?

Жаҳонни қайта қуриш, дунёни оёққа турғизиш учун курашга фарзандларини йўллаган она эмасми?! Даҳшатли уруш оташига отилган болаларига оқ фотиҳа бериб қолган, фарзандининг ўрнига кетмон кўтариб далага чиққан она эмасми?!

Самога парвоз этиб, юлдузлардан бўйнига маржон таккан Инсон— она эмасми?!

...Хаёл кўзгусининг майин пардаси орқасида жуда тотли, жуда сирли, аммо зинҳор-зинҳор қайтиб келмас тушдай қолиб кетган соғинч бир хотира бор. Беланчак устидан парвоз қилган алла садолари ойнинг ипак нурига осилиб олиб, қанот қоқяпти фазода. Эҳтимол шу мурғак даврлар келиб, замонанинг энг покиза, энг азиз бир Инсони бўлиб қолар. Лекин шунда ҳам ундан кўра азизроқ, ундан кўра табаррукроқ бир Инсон бўлади... Одам фарзанди кўз очиб илк бор онасини кўради. Эҳтимолки, умрининг энг сўнгги дақиқасида ҳам онасини эсласа...

Онажонлар... Киприкларимда кўтариб юрсаммикан?

Ўткир ҲОШИМОВ.

ОЗОДА

Бу воқеа бундан тўрт йил олдин бўлган эди. Бир куни райондаги бирқанча қизларни область комсомол комитетига йиғишди. У ерда кўпгина дугоналари қатори Озода ҳам «ўқийман, Турсуной опамдек механизатор бўламан» деб ваъда берди. Ваъда беришга-беришга-ю, лекин кейин иккиланиб қолди: «Дадам нима деркинлар?» Уйга қайтаётиб, йўл-йўлакай колхоз идорасига тушиб ўтди. Иккиланаётганини раис Абдулла Ортиқовга айтди. У «э, дадангни кўндиришни менга қўйиб беравер» деб, қизни хотиржам қилди.

Эртасига раис унинг отаси Нурали акага ҳамма гапни ётиги билан тушунтирди.

— Ҳа, айёр қиз! — деди Нурали ака раиснинг олдидан қайтгач, — уёқда ишни пишириб келиб, буёқда жимгина юрибсан-а! Кўнглингда шунча гап бор экан, бир оғиз айтмайсанми ўзимга.

— Раисга нима дедингиз? Ҳўп дедингизми? — деб сабрсизлик билан сўради қиз.

— Хм-м... Майли энди нима ҳам дердим, ўқисанг ўқиб келақол, қизим. Лекин ойнигчи? Эшитган замони дод деворар.

Худди шундай бўлди. Ичкари уйда кўрпа қавиб ўтирган она шу гапни эшитди-ю, югуриб ҳовлига чиқди.

— Ота-бола нимани гаплашаяпсизлар?

Озода ҳам, отаси ҳам нима дейишини билмай жим бўлиб қолди.

— Ҳай, гапирсангларчи? Тинчликми ўзи?

— Э, кўп ҳовлиқаверма! Тинчлик бўлмай нима бўларди. — деди Нурали ака, — қизинг ўқишга кетмоқчи, тракторчилик ўқишига.

Она дам отага, дам қизга қаради ҳайрон бўлиб. Кейин қизини қойийкетди:

— Қиз бўлганингдан кейин, мундоқ қизларга ярашадиган гапни гапир-да! Тракторчи бўламан деганинг нимас-си! Энди бир ками тракторчи бўлиб қопқора мойга беланиб юришинг қолувдими?

— Ҳозир унаца қорамойга беландирадиган тракторлар қолган эмас, ойи. Чип-чиннидаккина комбинезон кийиб оламан-да...

— Э, гапирма-е! Жимит жуссанг билан болахонадай машинани қандоқ қилиб ҳайдайсан? Машинанинг тепасига чиқиб олиб, тушолмай йиғлаб ўтирарсиз...

Ота-бола ҳаҳолаб кулишди.

— Вой ойи-ей, — деди Озода ўзини кулгидан тўхтатиб, — ҳеч балони тушунмайдиган кампирларнинг гапини гапирасиз-а. Ахир шунча қизлар эпласаю, нега мен эплай олмас эканман? Улардан бирор жойим камми?

Хуллас ўша куни, ота-бола бир амаллаб онани кўндиришди.

Орадан олти ой ўтгач, Озода бинойидай механизатор бўлиб колхозга қайтди. Колхозда механизатор қиз биттаю-битта шу бўлган учунми, ё бошқа сабабдан-ми, дастлаб баъзибир одамлар уни менсишмади. Идорада раис янги келган ХВСни беришга ваъда қилди. Устахонага борса механик машинанинг калитини бермади. Сабабини сўраса «Яп-янги машинани бузиб қўясан» деди. Яна раисга борди. Абдулла аканинг ўзи келиб калитни олиб берди. Машина ҳайдаб далага борса, бригадир «пахтамни ер билан бўтта қилиб тўкиб кетасан» деб пайвалга қўймади. Қўшни бригаданинг бошлиғи ҳам ўша ерда экан. У «Юринг Озодахон, бизнинг бригадамизда тера-қолинг» деб бошлаб кетди. Тўкиб кетиш қаёқда, чип-чиннидай қилиб терди пахтани. Ўша йили Озода хирмонга тўккан пахта юз тоннадан ошиб кетди. Кейинги йиллари ҳам юз тоннадан ошириб пахта терди. Колхоз правленнеси унга ишонч билдириб, каттагина бригадага бошлиқ қилиб қўйди. Яил сайин 30—35 центнердан хирмон кўтарди.

Озода Маматовадан ҳозирги ишларини сўрадик.

— Бу йил қишлоғимиздаги мактабда ишлаб чиқариш бригадаси туздик. Ўзи шуни оталиққа олганман. Ҳозир ўн иккн қизни машина ҳайдашга ўргатаяпман, пахта етиштиришнинг сирлари билан таништираяпман. Улар мактабни битириб чиққанларидан кейин колхозда бемалол механизаторлик қила оладиган бўлишади. Қишлокларимизда механизатор қиз-жувонларнинг кўпайгани яхши-да. Қиз-жувонларимиз эгилиб-букилиб этакда пахта теришганидан кўра, машинада пахта терган қандай яхши!..

Озода, сен яхши ташаббус бошлабсан. Истардинки, шу ташаббусинг кенг қанот ёйсин.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ.

Калинин районидаги «Ленинизм» колхози.

ОЛТИН ЮЛДУЗ КАВАЛЕРИ

Суратда: дўстлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони экскаватор машинисти Таборак Турдиалиевни юксак мукофот билан чин қалбдан табрикламоқдалар.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Одатдаги кун. Ҳаммаёқ жимжит. Ишга келаётган ва ишдан кетаётган кишилар комбинат ҳовлисида. Ўша корпуслар, ўша одамлар. У ҳам шуларнинг бири. Кеча ишлатган экскаваторнинг моторини бугун ҳам юргазади. Ҳозир самосваллар етиб келади, уларга шағал ортиб беради. Янги катализатор цехи ён бағрида йўл тушяпти. Йўл қурувчилар ҳам келиб қолишгандир. Шу бўйи смена бошланиб кетади. Сўнг кеч киради, яна уйга қайтади. Болалари билан телевизор томоша қилади, ёки кинога тушади. Машинист шу хаёллар билан экскаватор кабинасига кўтарилиб жойига ўтирди-да, кнопкани босди. Парраклар бир-икки чириллаб айлангач, мотор гуриллаб кетди. Ричагни тортиб, ковш ҳаракатини кузатди. Машина эгарланган отдек, ишга тайёр.

Таборак ака кабина ойнасини кўтарди. Юмшоқ шабада унинг юзларини силаб ўтди. Руҳи яна ҳам енгиллашгандек бўлди. Курткасини ечиб, ўрнидиқ суянчиғига ташлади-да, қўлини чеккасига қўйганича машиналарни кута бошлади.

— Нималарни ўйлаяпсиз, Таборак ака? — пастда жилмайиб участка прораби турарди.

— Шундай, ўзим, самосвалларни кутаяпман.

— Янги гапни эшитдингизми?

— Йўқ, нима гап?

— Ҳе юрагингизга балли-е, қаҳрамон! Тушинг пастга, биринчи бўлиб ўзим қучай сизни!

Таборак ака экскаватор зинасига энди оёқ қўйган ҳам эдики, Виктор уни даст кўтариб ерга туширди. Маҳкам қучоқлаганича гир айлантириб юзларидан ўпди, қўлларини қисди. Таборак ака ҳайрон. «Нима гап ўзи, бу нима қилганинг» дейди нуқул.

— Юрагингиз дарё экан. Бугунги газетани кўрдингизми, ахир. — Виктор чўнтагидан газетани олиб биринчи саҳифасини ёзди. — Мана, ўқинг.

Таборак ака СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига кўз югуртирди. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилибди. Партия ва ҳукуматимиз оддий бир экскаватор машинистига шундай олий ҳиммат кўрсатибди. Мана, одатдаги кун келтирган бахт. Қувонмай бўладими, ахир.

— Раҳмат, — деголди у фақат ва рўмолчаси билан намланган кўзларини ертди...

Таборак у пайтлар 16 ёшли нимжонгина йигитча эди. Қишлоғида Қодирия ГЭСи қурилиши бошлаб юборилган. Акаси Муборак шу ерда сувоқчилар бригадасига бошлиқ. Акасига ҳар куни тушлик олиб боради. Борганда ҳам яна дарров уйга қайтмайди. Плотиналар устига чиқиб пастликда ишлаётган одамларни кузатади. Бир томонда ер қазишяпти, иккинчи томонда бетон қоришяпти улар. Қурувчилар орасида ҳамқишлоқлари ҳам бор, мамлакатимизнинг узоқ-узоқ бурчакларидан келган шижоаткор кишилар ҳам бор. Таборак бинокорлар меҳнатини кўриб завқи келди. Уларга меҳри, ҳаваси ортди. Ахир бўлмади, акасига кўнглидаги гапни айтди. Муборак қаршилик кўрсатмади, укасини ўз бригадасига ишга қабул қилди. Аввалига Таборак у ерда оддий ишчи бўлди, сўнг сувоқчилик касбини эгаллай бошлади.

1932 йил. Чирчиқ шаҳрига биринчи ғишт қўйилган кезлар. Таборак акаси билан янги шаҳар бунёдкорлари сафига қўшилди. Кишиларга уй-жой қуриб берди. Комсомол ГЭСида нур булоғини очди. Шу ердан уни тўққиз кишига қўшиб Москвага — экскаватор машинистлари тайёрлаш курсига ўқишга юборишди. Ўша-ўша Таборак экскаватор бошқаради. Қурилишга аввало унинг машинаси етиб келади. Заводга ҳам, станцияга ҳам биринчи бўлиб у қўл уради.

Товоқсой, Оққовоқ гидроэлектростанциялари, электрохимия комбинатининг қатор цехлари, чирчиқликлар яйраб истиқомат қилаётган кўкўпар шинам уй-жойлар — ҳаммасида Таборак аканинг қўл излари бор. Ҳозир ҳам у меҳнат постида. «Чирчиқхимстрой» бошкармаси экскаватор машинисти. Катта химия саноати корхоналарини бунёд этишда ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келаяпти. Бинокорлар уни ҳурмат билан «отахонимиз» дейишади.

... Самосваллар қаторлашиб келиб қолди. Машинист яна кабинага кўтарилди. Мотор баралла гуриллай бошлади. 0,35 кубометрли ковш шағал уюмларига чанг солди. Бир минут ўтар-ўтмас олдиндаги машина кузови шағалга уюлиб чиқди. Шофер Исмат Мамедов статерни босди. Иккинчи машина унинг ўрнига келиб тўхтади. Яна бир минут, машина йўлга тушади. Куни бўйи шундай бўлди. Машиналар бир дақиқа ҳам тинмади. Таборак аканинг қўллари ҳам ричаглардан узилмади. Йўл қурилиши учун сўралган шағал ортиги билан етказиб берилди. 120 ўрнига 160 кубометр шағал ортилди. Смена нормаси 140 процент адо этилди. Лекин Таборак ака юзида ҳорғинлик сезилмайди. Қадам олиши илдам. Чирчиқ кўчалари бўйлаб кетаяпти. Йўл-йўлакай ёр-биродарлари уни қизғин табрикламоқдалар. Уйида эса фарзандлари, қариндош-уруғлари кутиб ўтиришибди. Бугун Таборак Турдиалиев хонадони бошига бахт қуши қўнган. Оилабоши, кекса машинист кўксидаги «Ҳурмат белгиси», «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун», «Шавкатли меҳнат учун» орден ва медаллари ёнида энди қаҳрамонлик нишони ҳам қуёшдек порлайди.

Меҳнатнинг таги роҳат, деганлари шу экан-да. Унинг суяги меҳнатда қотди. Билак кучи билан ҳаёт кечирди. Шунинг эвазига у халқ оғзига тушди. Эътибори, обрўси ортди.

Ж. НОСИРОВ,
Чирчиқ шаҳри.

Тажрибалар ўртоқлашилди

Область мактаблари бошланғич партия ташкилотларининг ўқув-тарбия ишидаги тажрибаларини оммалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шуни назарда тутиб Тошкент область партия комитети мактаблар бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг уч кунлик семинари ўтказилди.

Семинар кеча ўз ишини тамомлади.

Семинарда Ўзбекистон ССР Маориф министри ўртоқ Э. Қодиров «Совет мактабининг ҳозирги аҳволи ва халқ маорифи ходимларининг навбатдаги вазифалари» деган темада доклад қилди. Докладчи область мактабларида ўқув-тарбия ишларини яхшилаш соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларни кўрсатиш билан бирга, йўл қўйилаётган айрим камчиликларни ҳам айтиб ўтди. У мактаблар бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари фаолияти тўғрисида ҳам батафсил тўхталди.

Семинар қатнашчилари Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси А. Нисенботин, Чирчиқ шаҳридаги 15-ўрта мактаб бошланғич партия ташкилотининг секретари А. Гончаровалар томонидан қилинган докладларни ҳам эътибор билан тингладилар.

Шунингдек, семинарда Бўка, Ўрта Чирчиқ районларидаги, Оҳангарон ва Бекобод шаҳарларидаги айрим мактаблар бошланғич партия ташкилотлари секретарлари ҳам ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Семинар қатнашчилари Тошкент шаҳар ва Калинин районидаги бир неча мактабларда бўлиб, ўқув-тарбия ишлари билан танишдилар.

ШТАТСИЗ ЛЕКТОРЛАР ЁРДАМИ

Тошкент темир йўл бўлими касаба союзи район комитети ҳузурида тузилган штатсиз лекторлар группаси ибратли иш қилмоқда. Группага 25 киши бирлашган. Улар орасида тажрибали темир йўл ходимлари, медицина мутахассислари бор. Лекторлар группаси ўтган йил охирги кварталида станциялар ва раъездлар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун элликлан ортиқ лекция ва суҳбат ўтказдилар.

Ўртоқ А. С. Напольнов бошлиқ бу группа фақат лекция ўқиш билангина чекланмайди. Лекторлар линия станциялари, тепловоз ва вагон деполари ходимларига ишда амалий ёрдам ҳам кўрсатмоқдалар. Масалан, алока ва сигнал бўлими ревизори Н. А. Петросов станция ва разъездлар ходимларига автоблокировкани ўрганишда кўмаклашди. А. Мирмаҳмудов, Л. Вдовенко, Ф. Коляскин, Н. Пахомов, Н. Левшин ва бошқа лекторлар техника билимларини эгаллашда, социалистик мусобақани ташкил этиш ва меҳнат интизомини оширишда яқиндан ёрдам беряптилар.

Лекторлар группасининг 1965 йил учун тузилган тематик ва календарь планида ҳам бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган масалаларга жиддий эътибор берилган.

А. КОМИССАРОВ.

ОЛҒА УНДАГАН ИШОНЧ

Илк баҳор тонгининг шабадаси дилларга роҳат бахш этади. Картогол қишлоғи далалари қўйнида меҳнат қизғин. Минерал ўғитлар, техника қисмлари ортилган юк машиналари район марказидан колхоз қишлоғи томон йўл олади. Йўл чеккасида колхоз раиси Нурулла ака Саидовни учратиб қолдик.

— Мана баҳор ҳам бошланиб кетди Шу кунларда ҳамма колхозчиларимиз келгуси йил ғамида меҳнат қилишаяпти, — дея сўз бошлади колхоз правлениесининг раиси. — Ўтган йил колхозчиларимиз учун баракали йил бўлди. Пешқадам бригада ва звеноларимиз картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишди. Шаҳарликларга кўп миқдорда ширин-шакар қовунтарвузлар етказиб бердик.

Дарҳақиқат Калинин районидаги «Москва» колхози аъзолари кейинги йилларда олға интилмоқдалар. Улар етти йилликнинг олтинчи йилида химия мўъжизаларидан самарали фойдаланиб, деҳқончилик маданиятини кескин юксалтирдилар. Саҳий она ер бағридан мўл ҳосил кўтариш, колхоз чорва моллари маҳсулдорлигини тинмай ошириб боришда катта ишлар қилдилар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти томонидан кадрларга талабчанлик кучайтирилди, моддий бойлик яратаётган кишиларга ҳар тарафлама қулай иш шароити яратилди. Натижа ёмон бўлмади.

Илғарилари қолоқ, ҳосилдорлиги жуда паст бўлган бу хўжалик қисқа вақт ичида равон йўлга чиқиб олди. Колхоз ўтган йили эл дастурхонига 768 тонна картошка, 1796 тонна қовун-тарвуз, 2998 тонна сабзавот, 506 центнер гўшт, 2140 центнер сут, 85 минг дона тухум етказиб берди. Шунингдек жун, пилла, мева сотиш планлари ортиғи билан ado этилди. Давлат омборларига пландаги 25 тонна ўрнига 149 тонна сара дон жўнатилди.

Бу галабага эришишда Сиддиқ Маҳмудов, Тўйбилла Иноятов, Қосимполвон Ёқубжонов, Акром Ортиқов, Усмон Рихсиев, Маҳамат Мирқосимбоев ўртоқлар бошлиқ бригадалар катта роль ўйнадилар. Улар йиллик ишлаб чиқариш планларини 104—115 процентга етказиб бажаришди.

— Ютуқларимиз заминида колхозимиз аъзоларининг фидокорона меҳнати ётипти, — деб сўзини давом эттирди Нурулла ака, — механизациядан яхши фойдаландик. Экинларни ўз вақтида озиқлантириб, об-тобида суғордик. Жамоат чорваси учун етарли озуқа жамғардик. 205 гектар майдондаги турли сабзавот экинларидан 3232,4 тонна ҳосил олинди. Айниқса карам, помидор, бодринг сингари экинларнинг ҳосили юқори бўлди. 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 тоннага етказиб қовун-тарвуз олинди. Картошка ҳосилдорлиги анча ошди.

Колхозчиларнинг ҳалол меҳнати туфайли хўжалик бир йилнинг ўзидаёқ қаддини ростлаб олди. Натижада ялпи даромад планда кўзда тутилганидан 10397 сўм ортиқ бўлди. Бу колхозчиларнинг меҳнат кунларига тақсимланадиган ҳоқичга мўлжалдагидан бир сўм 11 тийинга ошириш имконини берди Йил бўйи далалар, боғлар қўйнида ферма ва отларда тер тўкиб меҳнат қилган аъзолар колхозчилар мўмай ҳақ олишди.

Шу кунларда колхоз аъзолари кўтаринки руҳ билан меҳнат қилишаяпти. Далаларга 3 минг тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқилди. 4 минг кубометрдан ортиқ ички суғориш шохобчалари тозалаб қўйилди. Парник хўжалигида эса колхозчилар етарли сара кўчатларни барвақт етиштириш чораларини излашаяпти.

— 12 килограмм карам уруғини сепиб ундириб олдик, — деб хикоя қилади парник хўжалиги бригадасининг бошлиғи Хошим ака Қозоқбоев. — Уруғлар бир текис униб чиқди Ҳозир кўчатларни сийраклатиб, расад қилишни тугаллаб қўйдик.

Етарли миқдорда соғлом кўчат етиштириш учун Эрмат Бегматов, Маъфира Акрамова, Муқаррам Тўхтабекова, Ҳалил Шукуров, Боқи Алимов сингари ўнлаб колхозчилар намуна кўрсатиб ишламоқдалар.

Ҳа, колхознинг азамат деҳқонлари ий кунларда мўл ҳосил етиштиришга пухта замин яратмоқдалар. Келажакка ишончларни янги меҳнат зафарларига ундаяпти.

Ҳ. ШАРИПОВ,
Ж. САЪДУЛЛАЕВ.

Мамлакатлар ОДАМЛАР Воқеалар

Иғвогарларга муносиб жавоб

ХАНОЙ, 5 март. ТАСС мухбири Е. Кобелев хабар беради:

Вьетнам халқи Америка ҳарбийларининг қабиҳ ҳаракатларидан жуда каттиқ ғазабланмоқда. Мамлакатнинг ҳамма қисмида оммавий норозилик митинглари ўтказилмоқда. Митингларнинг қатнашчилари ўз республикасининг суверенитетини ва республика территориясининг дахлсизлигини каттиқ ҳимоя қилишга қатъий бел боғлаб, бутун Вьетнам халқини «душманга нисбатан нафратни реал ишга» айлантиришга — миллий экономикани юксалтириш учун янада зўр ғайрат билан курашиш ва империалистларнинг ҳар қандай иғволарига зарба бериш учун шай бўлиб туришга чақирдилар.

Вьетнам Демократик Республикасининг газеталари неча ўнлаб фикр ва мулоҳазаларни, ҳукуматларнинг баёнотларини, бирдамлик билдирилиб, жаҳоннинг турли мамлакатларидан олинаётган телеграммаларни ҳар куни «Бутун дунё Америка империализмининг агрессиясига қарши олиб бораётган курашимизни қўллаб-қувватламоқда» деган рубрика остида босиб чиқармоқдалар. Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига юборган ва бугун Ханой радиоси орқали эшиттирилган баёнотини Вьетнам пойтахти зўр миннатдорчилик билан кутиб олди. Совет ҳукумати бу баёнотида Вьетнам Демократик Республикасини қўллаб-қувватлашга ва АҚШнинг қуролли иғвогарликлари давом этаётган бир пайтда ВДРга зарур ёрдам кўрсатишга қатъий қарор берганлигини яна бир марта таъкидлайди.

ХХР ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ПЕКИН, 5 март. (ТАСС). Бу ерда Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг баёноти эълон қилинди. Бу баёнот АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши янги ҳарбий иғволарини қоралайди.

«Хитой ҳукумати ва хитой халқи, — дейилади баёнотда, — Жонсон бошлиқ Америка ҳукуматининг янги ҳарбий иғволарини кескин суратда қоралайдилар, улуғ Вьетнам халқининг Америкалик агрессорларга қарши жангларда эришган порлоқ ғалабаларини қизғин табриклайдилар».

Баёнотда яна бундай дейилади: «Бошқа ҳеч қайси мамлакат эмас, балки АҚШнинг ўзи 1954 йилда Женевада тузилган битимларни бузмоқда, Вьетнамнинг тинч йўл билан бирлаштирилишига халақит бермоқда. АҚШ қон қардош бўлган 30 миллионли Вьетнам халқини кўпдан буён бир-биридан ажратиб қўйди. Бошқа ҳеч қайси мамлакат эмас, балки АҚШнинг ўзи қўғирчоқ ҳокимияти Жанубий Вьетнам халқига мажбуран қабул қилдирди ва Жанубий Вьетнам халкини шафқатсиз эксплуатация қилмоқда ҳамда эзмоқда. АҚШ ва Жанубий Вьетнамнинг қўғирчоқ ҳокимияти Жанубий Вьетнам Халқини репрессия қилиш ва ундан қасос олиш йўлидаги ишлари билан Жанубий Вьетнам халқини курашга ва каршилик кўрсатишга отлантирди».

Қўшма Штатлар, дейилади Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг баёнотида, «Вьетнамга қарши қуролли интервенция ва агрессияни дарҳол тўхтатиши ва ўзининг барча қуролли кучларини жанубий Вьетнамдан тезликда олиб чиқиб кетиши керак». «АҚШ ҳозир қилаётганидек, агрессия доирасини бундан буён ҳам кенгайтирадиган бўлса, ўзини янада кўпроқ шармандa қилиб қўяди ва пировардида урушни тамомила юткизиб қўяди, ўз обрўсини бутунлай тўкиб, ўзига лаънат тошини ёғдиради ва тамомила мағлубиятга учрайди», деб таъкидланади баёнотда.

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати баёнотининг охирида бундай дейилади: «650 миллионли хитой халқи қардош Вьетнам халкини астойдил қўллаб-қувватлайди ва Америка империализмига қарши доим кураш олиб боради».

Агрессорга қақшатғич зарба берилади!

А. ҲОЛИҚОВ чизган расм.

БИН БЕЛЛА: „СОЦИАЛИЗМ ХАЛҚНИНГ ҚОНИГА СИНГИБ КЕТДИ“

ЖАЗОИР. (ТАСС). Жазоир Халқ Демократик Республикасининг президенти Аҳмад Бин Белла Айн — Сафра шаҳридаги (Жазоирнинг Ғарбий қисми) митингда нутқ сўзлаб, мамлакат мустақил яшаётганидан бери ўтган икки йилнинг натижаларини якунлади ва шу йилги вазифаларга тўхталиб ўтди.

«Социализм» деган сўз, деди президент, ҳозир нотаниш ёки ёт сўз эмас, бу сўз давлат бошлиғининг ёки сиёсий бюронинг шиорига эмас, ҳозир бу сўз жазоирлик ҳар бир киши ҳурматлаб тилга олаётган сўз бўлиб қолди.

Қандай вазият вужудга келмасин, ҳукуматда қандай ўзгаришлар рўй бермасин, қандай шахсий ўзгаришлар қилинмасин, социализм яшай беради, чунки у, халқнинг қонига сингиб кетди».

Бу йил, деди Бин Белла, Жазоир учун амалий ишлар йили бўлиб қолади, саноат секторини мустаҳкамлаш йили бўлиб қолади.

КУН ТАРТИБИДА — ПОЭЗИЯ

Шу йил 4 мартда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг мажлислар залида республика қаламкашларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Филология фанлари кандидати Наим Каримов «1964 йил ўзбек поэзияси» мавзуида доклад қилди.

— Ўтган йил адабиётимизнинг бошқа жанрлари қатори поэзия жанри учун ҳам муваффақиятлар йили бўлди, — дейди докладчи, — ана шу қисқа вақт ичида ўзбек поэзияси ҳам мавзў, ҳам мазмун ҳамда форма жиҳатидан анча илгарилаб кетди, бойиди. Шоирлар чинакамига меҳнат қилиб, ажойиб ижод намуналарини намойиш этдилар. Учта поэма, 15 га яқин поэтик тўплам, қатор янги шеърий туркумлар, балладалар ва айниқса хат жанрида ёзилган асарлар ўқувчиларни мамнун қилди. Бу соҳада Ғафур Ғулом, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Мамарасул Бобоев, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин каби кўзга кўринган шоирлар баракали ижод қилдилар. Адабиёт майдонига дадил кириб келаётган талантли, ёш қаламкашлар ҳам самарали ижод қилдилар. Кичик мавзудаги шеърлардан катта мавзуларда, кенгроқ фикр юритиб йирик асарлар яратишга ҳам уриниш ҳоллари кўринди. Эркин Воҳидвнинг «Орзу чашмаси», Ҳусниддин Шариповнинг «Боғ кўча болалари», «Изма-из», Юсуф Шомансурнинг «Қонсиз фожиа», Сайёр-нинг «Даҳрий» поэмалари, Хайриддин Салоҳнинг «Наъматак» балладаси шулар жумласидандир. Шунингдек, докладчи бугунги ўзбек поэзиясида юз бераётган катта сифат ўзгаришини таъкидлаш билан бирга бу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган қатор вазифаларга ҳам тўхталиб ўтди.

Йиғилишда доклад юзасидан қизғин музокара бўлди. Музокарада сўзга чиққан устоз адиб, Ўзбекистон ССР халқ шоири Ғафур Ғулом ёзувчилик маданияти бадиий маҳорат, қаламкашлар олдида турган муҳим вазифалар ҳақида гапириб, ижодкор ҳамкасбларини ва айниқса ёшларни давр руҳи билан баравар нафас олишга, тинмай ўқиб-ўрганишга даъват этди.

Сўзга чиққан адабиётшунос, танқидчилар, шоирлардан У. Норматов, С. Мамажонов, Н. Шукуров, Уммат Тўйчи, Ю. Султонов, С. Қосимов, Шукрулло, Шуҳрат, Султон Акбарий, Душан Файзий, М. Боборўжаев, М. Хусаинов, Ю. Шомансуров, Х. Салоҳлар ўз сўзларини 1964 йил поэзиясини таҳлил қилишга, бу соҳада мавжуд бўлган муҳим камчиликлар устида ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ҳамид Ғулом йиғилишга якун ясаб нутқ сўзлади.

Шу куни кечқурун катта мушоира кечаси бўлди. Бунда устоз шоирлар билан бир сафда ёш қаламкашларнинг ҳам шеърлари янгради.

ПАРТИЗАНЛАР ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДАЛАР

ПАРИЖ, 5 март. (ТАСС). Жанубий Вьетнамнинг Бинь-динь вилоятида ҳаракат қилаётган партизанлар 13 километр узунликдаги темир йўлни бузиб ташладилар ва темир йўл изларини уйиб қўйиб, автострадалардан бирини тўсиб қўйдилар. Франс пресс агентлигининг мухбири шу тўғрида хабар бериб, ана шу операция бир кечада ўтказилганлигини таъкидлайди.

НЬЕРЕРЕ ОГОҲЛАНТИРМОҚДА

ЗАНЖИБАР, 5 март. (ТАСС). Танзания бирлашган республикасининг президенти Ньерере чет давлатларни яна огоҳлантириб, Танзанияга тазйиқ кўрсатмаслик ва унинг ички ишларига аралашмаслик кераклигини таъкидлади.

Кеча Дор-Ус-Саломда Танганьика Африка миллий иттифоқи партиясининг ҳар йили ўтказиладиган конференцияси очилди. Ньерере шу конференцияда нутқ сўзлади.

Президент Ньерерининг огоҳлантириб айтган гаплари, аввало, АҚШ ва Германия Федератив Республикасига тааллуқлидир. АҚШ ва Германия Федератив Республикаси Танзанияни қўғирчоқ Чомбе режимига нисбатан яхши муносабатда бўлишга мажбур этиш, шунингдек Танзания билан Германия Демократик Республикаси ўртасида нормал муносабатлар ўрнатилишига йўл қўймаслик мақсадида Танзанияга қарши «дипломатик ҳужум»ни кучайтириб юбордилар.

ЎЗ ИШЛАРИНИ ИҒИШТИРИБ ҚЎЙМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 5 март. (ТАСС). АҚШ давлат департаментининг вакили Ричард Филлипс кеча бу ерда АҚШ информация агентлиги Индонезиядаги бутун фаолиятини дарҳол тўхтатиб қўяди, — деди.

НАЦИСТ ЖИНОЯТЧИЛАР ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛСИН!

ГАЗАНДАЛАР ЖАЗОЛАНИШИ КЕРАК

Бонн ҳукуматининг нацист ҳарбий жиноятчиларни суд жавобгарлигига тортишни тўхтатиш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларини каттиқ ғазаблантирди. Фашизм қурбонлари хотирасини ана шу тарика таҳқир этишга қарши норозилик митинглари заводлар, муассасалар ва ўқув юртларида ўтказилмоқда.

153-қурилиш трести биринчи бошкармасининг ишчи ва хизматчилари Чилонзордаги 9-Г секторининг қурилиш майдонига тўпланишди. Ватан урушининг қатнашчиси Ф. Н. Митрофанов ўз нутқида бундай деди:

— Шонли совет халқи гитлерчи газандаларни тор-мор қилган пайтдан буён 20 йил ўтди. Бизнинг мамлакатимизда ана шу уруш қайғу-алам келтирмаган бирор хонадонни топиш қийин. Мен фронтда қўлимдан ажралдим. Вайрон қилинган ва ёндирилган шаҳар ҳамда қишлокларни, азоблаб ўлдирилган хотин-кизлар ва болаларни ўз кўзим билан кўрдим. Буни эсдан чиқариш, кечириш асло мумкин эмас. Биз халқаро ҳуқуқ нормаларини бажаришни, фашист ҳарбий жиноятчиларни каттиқ жавобгарликка тортишни Германия Федератив Республикаси ҳукуматидан талаб киламиз.

Митингда кекса ишчи М. Сайдаметова, яқинда Совет Армияси сафларида хизматини ўтаб келган ғишт терувчи М. Йўлдошев ва бошқа бинокорлар ҳам сўзга чиқдилар. Улар ўз сўзларида, фашист бандитлар эркинликда юраберар эканлар, соф виждонли кишиларнинг бирортаси ҳам хотиржам бўлолмайди. Ана шу газандаларни ушлаб олиб жазолаш керак, дедилар. Қурилиш трестининг бошқа бошқармаларида ҳам норозилик митинглари бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

ЁВУЗЛИКЛАР УНУТИЛМАЙДИ

Ғарбий Германия ҳукумати инсониятга қарши огир жиноят қилган гитлерчи ҳарбийларни суд жавобгарлигига тортишни гўё вақт ўтди, деган баҳона билан тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарори бутун жаҳон жамоатчилигини газаблантирмоқда. Улуғ Ватан урушида қатнашган неча ўн минглаб совет жангчилари ҳам, фашистлар концентрацион қамоқ лагерларининг собиқ тутқинлари ҳам ҳақиқатга ҳеч бир тўғри келмайдиган бу қарорга қарши қаттиқ норозилик билдирятилар. Бу ёвуз қарор Тошкент меҳнаткашларининг ҳам қаҳр-ғазабига дучор бўлмоқда.

Тошкент халқ хўжалиги институтининг профессор ва ўқитувчилари, студентлари ҳамда ишчи ва хизматчилари институтнинг акт залига йиғилишиб, норозилик митинги ўтказдилар. Митингда совет ҳуқуқшунослиги кафедрасининг мудири, собиқ ҳарбий трибунал қатнашчиси доцент Г. М. Шур сўзга чиқди.

— Гитлерчи нацистлар ҳукмронлик қилган вақтда инсониятга қарши қилинган жуда оғир жиноятлар учун жавобгар бўлган шахсларга нисбатан бундай рахмдиллик ҳеч кандай ҳуқуқга тўғри келмайди. Мен уруш йилларида фашист босқинчилари қилган ёвузликларнинг гувоҳи бўлдим ва ўзларини «олий ирқ»ка мансуб бўлган кишилар деб атаган гитлерчиларнинг бутун ёвузликларини ўз кўзим билан кўрдим. Буларни асло унутиш мумкин эмас!

Митингда шунингдек илмий коммунизм кафедрасининг мудири Ф. Турсунмуҳамедов, молия факультетининг студенти Воробьев, план факультетининг студенти Михайленко ўртоқлар сўзга чиқиб, Бонн ҳукуматининг нацист ҳарбий жиноятчиларини суд жавобгарлигига тортишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорини каттиқ коралaдилар. Митинг охирида шу тўғрида резолюция қабул қилинди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 7 МАРТ 1965 ЙИЛ.

Султон АКБАРИЙ.

БАҲОРДАГИ ҲАЯЖОН

Ҳаяжон.
Ҳаяжон.
Ҳаяжон.
Шеърим Алижон
минбарга чиқади таъзимкор.
Ийманиб ўтирмас меҳмондай,
жўяли гап айтар деҳқондай
жазмкор,
азмкор...
Сатрлар,
Сатрлар,
Сатрлар,
Бағримда қуш каби патирлар,
Жаранглар ғалати қофия:
Баҳор — воқиа,
Далага қуёш юз ўтирди.
Олчага,
гулга сув югирди.
Кулиш бор,
яшнаш бор,
бўртиш бор:
Баҳор!
Баҳор!
Баҳор!
Кел десам, овози келади
Сир билан Амунинг бўйидан.
Хабари бўлгандай тўйидан,
Ўзидан олдин нози келади,
Сози келади.
Келиб туширишга тайёрми
ҳамма?
Ўтиб ёрилганми,
Ҳамир қорилганми,
Тошкентдан
Қарши чўлига,
Хоразмга,
Чимбой йўлига
Андижоннинг Ойдинкўлига
тўй қоғози юборилганми,
Қўшиқ учиришга тайёрми
ҳамма!
Тахтми от-улов-у,
Ҳофиз трактор?
Ёзилганми
қизғин баҳорга пактор?
Ҳаяжон.
Ҳаяжон.
Ҳаяжон.
Шеърим Алижон
Баҳор чоғи сўрар
миришкорлардан,
қарилари ва ёшларидан
шуни,
шуни,
эшикдан тўй кириб
келаётган куни.
Шеърим бўлсин карнайчи!..

Шаҳримизнинг кўчалари, боғлари ва хиёбонларидан баҳор нафаси эсабошлади. Шу кунларда Тошкентнинг «Ўзбекистон гуллари» бирлашмасига қарашли магазин олдида гул ишқибозларини кўплаб учратиш мумкин. Улар ҳовли ва боғларга ўтқазиш учун ниҳоллар сотиб олмоқдалар. Революция скверидаги Революция скверидаги А. Палехов фотоси.

ФЕСТИВАЛЬ ТАРАДДУДИ

Саҳнада эгниларига тўн кийиб, устидан белбоғ боғлаб олган бир неча йигитлар рақсга тушаяпти. Хиром этиклари ва пахмоқ телпаклари прожектор нурида ажиб товланади. Қаддиқомати келишган барно ва лобар қизлар келиб қўшилади даврага. Улар рақсини кўриб ҳавас қиласан, моҳир раққосалардан сира ажратолмайсан.

Лекин шу топ Исахор Оқиловнинг овози эшитилиб қолди. Раққосалар бир зумга тўхташди. Устоз уч-тўрт ҳаваскорга хатосини тушунтириб, яна рақсни бошлашга рухсат берди. И. Оқилов саҳнадаги ҳар бир ортиқча ҳаракатни дарҳол фахмлай олади. Булар ҳаваскорлар-ку демай, моҳир раққосаларга қандай талаб қўйса буларга ҳам шундай талаб қўяди.

...Наима бу тўгаракка ўн йил муқаддам келган. Коллектив ҳам ўшанда янгигина ташкил топган эди. Профессионал техника мактабини тугатган Наима тўқимачилик комбинатининг модалар ателъесига эндигина тикувчи бўлиб ишга кирган чоғи эди. У тўгаракка биринчи бор келган кунини ҳали-ҳали эслайди. Ўша воқеа эсига тушиб қолса ўзидан-ўзи қизариб кетади.

— Тўгаракка аъзо бўлмоқчимисан?— сўради Исохор ака.

— Ҳа.— деди уялинқираб Наима.

— Бирор рақс биласанми? Қайси куйни чалишсин?

Наима бошини қуйи эгганича туриб қолди. И. Оқилов дарҳол фахмлади, шекилли:

— Ҳеч-қиси йўқ. Қани бўлмаса, мен қилган ҳаракатларни қайтариб кўрчи.

Тўгаракка аъзо бўлганида ҳеч қандай рақсни билмаган, лекин санъатга ихлоси зўр бўлган бу қиз кўп ўтмай тўгаракнинг энг яхши раққосаларидан бири бўлиб қолди.

Орадан бир йил ўтгач эса. Наима дугоналари билан Ватанимиз пойтахти Москвада санъатини намойиш қилди. Бу кун унинг учун сира унутилмас ҳотира қолдирди.

Н. Собирова 1957 йили иккинчи марта Москвага борди. Бу сафар у ёшлар ва студентларнинг Жаҳон фестивалида қатнашди. Москвада ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси кунларида эса Большой театр, Кремль театри саҳнасида чиқишга муяссар бўлди.

Моҳир раққоса, тошкентлик модалар ателъеси ишчиси Наима Собированинг нозик, ўйноқи ва жозибали рақсларини Польша ва Германия Республикаси томошабинлари ҳам хузур қилиб кўришган. Совет Иттифоқидан борган ҳаваскор санъаткорларни Силезия шахтерлари ва Берлин қурувчилари очиқ чеҳра билан кутиб олишди.

Наима тинмай ўз репертуарини бойитиш устида иш олиб боряпти. У қайси мамлакатга сафар қилса ўша халқнинг миллий рақсларини ўрганиб олишга ҳаракат қилади.

Н. Собирова ҳозир меҳнат қучоғида смена топшириқларини ошириб адо этиш билан бирга улкан синовга пухта тайёргарлик кўряпти. Тўқимачилик комбинатининг ўзбек халқ рақс ансамбли Жазоирда ўтказиладиган IX жаҳон фестивалига бориш тараддуди кўряпти. Наима эса ана шу коллективнинг кичик бир аъзоси сифатида санъатимизни, миллий рақс ва куйларимизни беш қитъа ёшлари олдида тараннум этади.

К. НЕМИРОВСКИЙ.

Тошкент янгиликлари

ЖОНЛИ ФОТОҲУЖЖАТЛАР

Марказий лекторийда «Ўзбекистон хотин-қизлари коммунизмнинг актив қурувчилари» деган тематик фотовиставка очилди. Бу виставкада 1924 йилдан ҳозирги кунгача ўзбек хотин-қизлари ҳаётида юз берган катта воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи фотоҳужжатлар бор. Томошабин бунда биринчи парашютчи ўзбек қизи Башорат Мирбобоева билан, 1-республика тракторчилар кенгашида қатнашган хотин-қизлар билан, республика ташкил қилинган дастлабки йилларда 8.Мартнинг байрам қилиниши ва шунга ўхшаш қизиқарли тарихий воқеалар билан танишади. Фотоҳужжатлар ўзбек аёлларининг озодликка чиқиши, уларнинг қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги роли, санъат, маданиятни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ҳақида жонли ҳикоя қилади.

Ўзбекистон архив бошқармаси ва Марказий архив ташкил қилган бу виставка томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

БОЛАЛАР ДУНЁСИГА МАРҲАМАТ

Пойтахтнинг Карл Маркс кўчасидаги универмаг биноси кичкинтойлар ихтиёрига топширилганига бир неча ой бўлган бўлса ҳам ҳали барча бўлимлар ишга туширилмаган эди. Куни кеча унинг иккинчи қавати ҳам ихтисослаштирилиб, 7 та секция ташкил этилди. Бу ерда мактабгача ёшдаги болалар ҳамда ўқувчилар учун бежирим усти-бош кийимлари сотилади. Унинг бўлимларида юздан ортиқ савдо ходимлари хизмат қилади.

Ҳурматли ота-оналар, фарзандларингизни етаклаб албатта бу ерга келинг, малакали савдо ходимлари Илҳом Абдураззоқов, Динора Раҳматуллаева, Роза Ким ва бошқалар дидингизга мос келадиган буюмларни тавсия этишади.

„ПОЛИГРАФИЯ ЛУҒАТИ“

Китоб магазинлари полкаларида яна бир оммабоп китоб пайдо бўлди. Бу луғатни полиграфия саноати ходимлари ва журналистлар айниқса кўпдан бери кутишар эди. «Полиграфия луғати» жуда мазмунли тайёрланган. Унда полиграфия терминлари асосий кўпчилиги ташкил этади. Бундан ташқари нашриёт ишлари бўйича кўп учрайдиган терминларга ҳам кенг ўрин берилган. Китобхон қоғоз тайёрлаш, босма бўёқлар, ҳарфлар наби полиграфия саноатининг турли соҳаларида ишлатиладиган сўзларни ҳам учратди.

Мазкур луғат газета ходимларининг кундалик ишларида ҳам ёрдам беради. Шунингдек, полиграфия олий ўқув юртлари ва журналистика факультетлари студентлари «Полиграфия луғати»дан қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

ҲАММА НАРСАНИ КЎРАДИГАН МЎЪЖИЗАКОР „КЎЗ“

ИНТРОСКОПИЯ ДЕГАН ЯНГИ ФАН ТУҒИЛМОҚДА

Ер юзидаги ҳамма моддаларни шаффоф қилиш мумкин. Интроскопия соҳасида ишлаётган олимлар мана шу дадил орзуни рўёбга чиқармоқдалар. («Интроскопия» сўзининг айнан маъноси «Ичини кўраман» демакдир; шаффоф бўлмаган жисмлар ва муҳитлар ичини кўриш тўғрисидаги фан Интроскопия деб аталади). Яқинда Интроскопия илмий тадқиқот институти ташкил этилди. Тадқиқотчилар бу институт лабораторияларида шаффоф бўлмаган жисмлар ичини кўришга имкон берадиган асбобларнинг конструкцияларини ва бунинг илмий асосларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар.

Одам кўзининг кўриш доираси жуда чекланган. Маълумки, одамнинг кўзи жуда оз миқдордаги табиий ва сунъий жисмлар ичини кўра олади, холос. Табиатдаги моддаларнинг кўпчилиги эса одам кўзига буткил кўринадигач даражада шаффоф эмас. Аммо кўпгина нурлар — инфрақизил нур, рентген нури, гамма заррачалар, нетронлар — ҳар қандай моддани ичига кира олади ва шу тариқа мазкур моддаларни шаффоф қилади. Шу нурларни кўз кўрадиган нурларга айлантирадиган махсус асбоблар ёрдами билан одам кўзининг кўриш доирасини жуда кенгайтириш мумкин.

Интроскопия моддаларнинг энг ичкарисини кўришга, магнит ва электромагнит майдонларини кўришга, космоса очилган деразани кенгайтиришга ёрдам беради. Мўъжизакор «кўз» биохимия жараёнларини кўринарли қилиб қўяди ва тирик ҳужжайранинг ичини кўришга имкон беради. Ҳозирги рентген асбоблари жисмнинг хира суратини кўрсатади. Интроскопия асбоблари воситаси билан эса медиклар тирик организмларнинг ишлаб турган ички органлари манзарасини экранда яққол кўрадиган бўлиб қоладилар.

Геофизиклар ернинг тузилишини яққол ўрганиш, геологлар — ер ости қазилма бойликларини тезроқ топиш имкониятига эга бўладилар. Металлни эритаётган, қолипда қуяётган, ишлатаётган вақтда Интроскоплар ёрдами билан уни кўриб туриш мумкин. Химиклар технология жараёнларидаги мураккаб реакцияларни контроль қилиб туриш имкониятига эга бўладилар. Мутахассислар «сунъий кўз» билан пластмассаларнинг ва стеклопластиклларнинг, керамика, ситаллар, қурилиш деталларининг ичини ҳам кўра оладиган бўлиб қоладилар.

(ТАСС мухбири)

„ҚАЛБИ ОТАШ ҚИЗ“

Ёзувчи Аббос Муҳиддин билан журналист Ҳамид Тожибоев китобхонларга тақдим этган «Қалби оташ қиз»[1] номли қиссада, авторлар ҳаётдаги реал воқеага асосланиб, Улуғ Ватан уруши даврининг картинасини бадиий акс этдиришга ҳаракат қилганлар. Асар персонажнинг ички туғёни, ҳаяжонли монологи билан бошланиб, китобхонни бевосита ана шу воқеалар гирдобига, колизиялар, зиддиятларга тўла мураккаб ҳаёт ичига олиб киради: «— Ҳў-ў, оналар!.. Жамиятда инсонни яратувчи оналар!.. Кичиқдигидан авайлаб, ардоқлаб ўстирган азиз фарзандларини беғавқат ўлимга раво кўрувчи бормикин орангизда?.. Қизиқ. Дунёнинг тинчлигини бузиш, халқларга ажал уруғини ёғдиришни ўйинчоқдек билувчи уруш корчалонларининг ҳам оналари бор-ку! Шу оналарда жигаргўшасига муҳаббат, ақалли чинор товуқчалик оналик меҳри йўқмикин?!»

Қиссани ўқир экансиз, гўё унинг бош қаҳрамони Роҳиланинг худди ана шу жўшқин қалб сўзини муқаддас Ватанимиз тупроғига хиёнаткорона бостириб кирган, ғарбда шафқатсизлик, йиртқичлик, ваҳшийлик алангасини авж олдираётган ёвуз душман — фашистларга юзма-юз туриб айтиш учун ҳам Ватан ҳимоясига отлангандек туюлади. Роҳиланинг ёшликдан кўнгил бериб юрган кишиси — севгилиси Собир фронтга кетади: бу, табиий севги интригаси кизнинг ватан ва халқ олдидаги бурчи билан уйғунлашади; қасос ҳисса Роҳилани қурашга, оналарни тул, болаларни тирик етим қилган душмандан ўч олишга ундайди.

Асарда асосий образ билан боғлиқ бўлган ёрдамчи сюжет ва экспозицияларда, авторларнинг тормозлаш приёмларида Роҳила характерини шакллантирувчи ва тўлдирувчи янги қирралар очилади...

Фронтда ҳарбий ҳамшира бўлиб хизмат қилаётган Роҳила Собирнинг ўлимини эшитганда чуқур таъсирланади, қайғиради. Лекин бу, қиз руҳини туширмайди, балки унинг қарши кучларга нисбатан нафратини кучайтиради. Аввал у фақат ярадорларни даволаш билангина қифояланиб қолган бўлса, энди дадил туриб жангга ҳам киришга тайёр. Шу маънода у жангчилар билан мураккаб операцияда қатнашади ва душман «тил»ини олиб келишда катта ҳарбий интизом ва мардлик кўрсатади.

Авторлар Роҳила образини бўртириш ва зиддиятни кучайтириш мақсадида унга яна бир муҳим вазифа юклайдилар. Қизни бўлим капитани Саркисян билан Сакен севиб қолади. Бу, бамисоли китобда Роҳила ярадоси ва севгисига кўшимча интиҳондек сезилади. Шу севги туфайли капитан билан жангчи орасида кандайдир бир зиддият учқуни лип этиб ёнгандек бўлади-ю, аммо у сўниб қолади... Ниҳоят, Роҳила урушда оғир ярадор бўлиб, фронт ичкарисига қайтади.

Қисса алоҳида қисмларга бўлинган, гўё ҳар бири мустақил новелладан иборат бўлиб кўринувчи бобларни битта умумий яхлит фикр — урушни қоралаш, тинч, фаровон ва гўзал ҳаётга даъват этиш фикри бирлаштириб туради. Бу авторларнинг эмоционал ва публицистик нутқида, уларнинг воқеаларга актив аралашуви ва уқдиришларида намоён бўлади.

Воқеа ва ҳодисаларнинг юрак призмасидан ўтказилган ихчам, лаконик тасвири, ҳазилни ҳақиқатга жуда усталик ва зўр маҳорат билан айлантириб юбора олувчи донишманд халқ мақол ва ибораларининг кўплаб ишлатилиши повестнинг энг яхши фазилатларидан биридир.

Повестда камчиликлар ҳам учрайди.

Китоб авторлари ҳаётий воқеа ва ҳодисаларнинг қаҳрамон руҳий дунёсига таъсири ҳамда унинг бадиий анализини бериш ўрнига, кўп ўринларда персонажларни қайд этиш ва улар фолиятини тасвирлашга тушиб кетадилар. Маълумки, бадиий адабиётда фактларни санаш, кимнинг қандай ва нечта орден олганлигини кўрсатиш шарт эмас, балки булар образда маълум бир восита сифатида ишлатилиб, асосий диққат қаҳрамон характерининг бошқа томонларига — унинг психологияси, қалб диалектикасининг турли-туманлигига қаратилиши лозим.

«Қалби оташ қиз» повестида ҳаётий зиддиятларни бўртдириб бериш зарур бўлган жойларда бундан асоссиз равишда чекиниб қўяқолинган. Масалан, Сакеннинг Роҳилага бўлган муҳаббати, Саркисяннинг эса, уларга муносабатини янада ривожлантириш ва кескин кантрастлар юзага келтириш мумкин эди. Образлар мантиқи ана шуни тақозо этишига қарамасдан авторлар бу имкониятдан фойдаланмаганлар.

Шунингдек, қиссада асарнинг умумий сюжетига бевосита бирлашиб кетмайдиган саргузаштлар ҳам бор. Масалан, китобдаги «Она ҳикояси» боби бунга мисол бўла олади. Бу қисмни камситмоқчи эмасмиз, албатта. Унда авторлар бадиий-эстетик принципга тўла амал қилган ҳолда алоҳида бир тақдир ҳаётини жуда жонли ва қизиқарли услубда ҳикоя қиладилар. Уни китобдан ажратиб олиб мустақил бир новелла ёки повест қилса ҳам бўлаверади. Бу билан қиссанинг яхлитлигига путур етмайди. Шунинг учун ҳам ҳар вақт ҳақиқий бадиий асарда, агар образли қилиб айтганда, ҳамма йўл ва йўлчалар битта умумий йўлга келиб туташиши, яъни асарда қаламга олинган энг кичик персонажлар ҳам битта бош образни бойитишга хизмат қилмоғи лозим. Аксинча, битта сюжет тараққиётига бўйсинмайдиган асардаги, ягона характерни тўлдирмайдиган, уни ривожлантирмайдиган образ ортиқча юк бўлиб қолиши ва у асарнинг яхлитлигига халал бериши мумкин.

«Қалби оташ қиз» повести ўз олдига қўйган мақсадлари ва кўтарилган масалалари билан диққатга сазовор асардир. Шу билан бирга у китоб авторларининг бундан кейин ҳам йирик жанрларда асарлар ёзиш имконияти борлигини кўрсатади.

Э. ҲАЙДАРОВ.

1 «Ёш гвардия» нашриёти. 1964 йил. ред. Б. Файзиев.

Танқид ва тақриз

НИМАНГ ЙУҚ?

— Эртага хотин-қизлар байрами экан. Тўғрисини айт, нима совға қилай, ниманг йўқ? Ҳозир бозорга тушиб кетаяпман, — деди Саидхўжа хотинига.

— Зирак, — деди хотини.

— Хўп, мен дарров олиб чиқаман. Сен хамир қориб қулчатойни пиширавер бўлмасам. Норин қиламиз. Гўштини ўзим тўғрайман, — деб Саидхўжа бозорга кетди.

Бозордан қайтгач, қоғозга ўроглик нарсани хотинига тутқазди.

Хадичахон очиб қараса... зира экан!

— Буни нима қиламан?

— Ахир ўзинг айтдинг-ку, зира деб, норинга соламиз, мазали бўлади...

— Мен сизга зира эмас, зирак дегандим. Ёки қулоғингиз...

Эр гуноҳкор боладай бўзрайиб қолди.

Собит ҒАФУРОВ.

ТОШКЕНТЛИК САМБОЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Республикамизнинг барча областлари ва шаҳарларидан тўпланган 110 спортчи Самарқанд шаҳрида самбо бўйича шахсий-команда биринчилигида беллашди.

Айниқса кескин кураш бўлди. Бу вазнда голиблик учун бешта спорт мастери ва бир неча кучли спортчилар даъвогар эди. Тошкент область вакили М. Хайбулин рақиблари М. Тошпўлатов, А. Соатов ва бошқаларни енгиб, биринчи марта республика чемпиони бўлди. Ҳамшаҳаримиз Г. Калеткин ҳам барча учрашувларни муваффақиятли ўтказди. У хоразмлик А. Нуруллаевни 20 секундаёқ таслим бўлишга мажбур этди. Финал учрашувда эса самарқандлик спорт мастери Р. Фозилов устидан ғалаба қозонди.

Тошкент командасининг яна бир аъзоси С. Алимов ҳам республика чемпиони бўлди. Бундан, ташқари Сурьат энг чиройли ўйин кўрсатганлиги учун спорт жамиятлари ва ташкилотлари Союзи Самарқанд область советининг мукофотини ҳам қўлга киритди. Қолган вазнларда В. Хадарцев, А. Манько, Н. Фомин (ҳаммаси Тошкентдан) Ф. Холиқов (Бухоро) А. Валиев (Самарқандлар) самбо бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлдилар.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳар самбочилари биринчи ўринни олдилар.

Ш. ҚОСИМОВ.

Давлат тренери. «Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 7 МАРТ 1965 ЙИЛ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

7 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11.00 — **Эрталабки гимнастика**, 11.20 — **Мультипликацион фильм** (болалар учун). 11.40 — А. И. Пантелеев. **Пакет** (болалар учун. Тошкент телестудияси премьераси).

Рус тилида: 13.00 — **Инглиз тили** (болалар учун). 13.20 — **Артёмкининг саргузаштлари** (бадиий фильм). 14.35 — **Музикали минутлар** (болалар учун).

Ўзбек тилида: 15.05 — **Олий математикадан лекция** (сиртқи студентлар учун).

Рус тилида: 17.00 — **Стёпа тоға милиционер** (болалар учун). 17.25 — **Телевизион янгиликлар**, 17.40— **Катюша** (ҳужжатли фильм). 18.00 — **«Жонли газета»ни варақлаб**, 18.25 — **Ким айбдор? Олтин тухум** (катталар учун).

Ўзбек тилида: 18.45 — **Телевизион янгиликлар**, 19.00 — **Концерт**, 19.35 — **Оилада бола тарбияси** (ота-оналар учун).

Рус тилида: 19.50 — **Концерт** (хотин-қизлар учун). 20.35 — **Кето ва Котэ** (кинокомедия).

Ўзбек тилида: 22.00 — **Озодлик қўшиқлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ ТЕЛЕСТУДИЯСИ ЭШИТТИРИШЛАРИ

17.00 — **Бадиий гимнастика бўйича шаҳар биринчилиги** (Округ офицерлар уйидан).

18.30 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

8 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Байрамингиз муборак, онажонлар!** (болалар учун). 18.50 — **Катта парвоз кишилари** (телефильм). 19.10 — **Тошкент телестудияси «Весна» ансамблининг концерти**, 19.30 — **Узбекистон юбилейи** (ҳужжатли фильм). 19.50 — **Аёллар тили билан** (телефильм), 20.25 — **Реклама ва эълонлар.**

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.50 — **«Ёрқин ҳаёт» тележурналининг Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган махсус сони.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

20.00 — Ўзбекистон композиторлари съезди. **Камер куйлардан концерт** (Тошкент давлат консерваторияси залидан).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/III да кундуз **Семург**, кечқурун **Хоразм қўшиғи**, 9/III да **Ҳамза.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/III да **Қонли сароб**, 9/III да **Мирзо Улуғбек.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/III да **Жон қизлар**, 8/III да **Ёшлида берган кўнгил.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 7/III кундуз соат 1 яримда 4—6-синф ўқувчилари учун музикали лекторий абонементи бўйича: **«Яхши музика, ашула ва рақсларни севамиз»** деган темада **концерт-лекция.**

8/III кеч соат 7 яримда — Музика маданияти университети — шаҳар студентлари учун 5-абонемент бўйича: **«Ўзбек эстрада музикаси»** деган темада **концерт-лекция.** Абонементлардан ташқари билетлар кундуз соат 2 дан Эстрада театри кассасида сотилади.

КИНО

Ганга ва Жамна (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 9 да). НАВОИЙ номли (кундуз 2 ва кеч 7 да).

Кел, Мухтар — НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Секретарь қиз — «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Ҳукумат аъзоси — «МОСКВА» (кундуз соат 4 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
10, 12 мартда
Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти
Комилжон Отаниёзов
раҳбарлиги ва иштирокида
ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ
КОНЦЕРТЛАРИ

Бутуниттифоқ ёшлар ва студентлар фестивали лауреатлари **Мунаввар Давлатова, Отажон Ражабов**, солистлардан **Олмахон Ҳайитова, Гулчеҳра Исмонлова, Жуманиёз Собиров, Шариф Султонов, Отабой Ҳасанов, Раъно Жуманиёзова, Отаназар Абдалиниёзов, Ражаб Исмоилов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА
ЯНГИ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРАДИ

ХОККЕЙЧИЛАР

НОМЛИ РАНГЛИ КЕНГ ЭКРАНЛИ БАДИЙ ФИЛЬМ.

ХОККЕИСТЫ

Сценарий автори — **Юрий Трифонов.**
Режиссёр — **Р. Гольдин.**
Ролларда:
Вячеслав Шалевич, Николай Рябинков, Эльза Леджей.
«Мосфильм» киностудияси ишлаган.

Кутилмаган севги

Сценарий автори — **А. Витоль.**
Постановкачи режиссёр — **Б. Монахов.**
Ролларда:
Иван Лапиков, Юрий Назаров, Пётр Савин, Наталья Богоявленская.
«Мосфильм» киностудияси ишлаган.

ҚАЙТАДАН ЧИҚАРИЛАДИ:

Ҳукумат аъзоси

НОМЛИ БАДИЙ ФИЛЬМ.

Сценарий автори — **Катерина Виноградская (А. Зархи ва И. Хейфиц** иштирокида).
Постановкачилар — **А. Зархи, И. Хейфиц.**
Ролларда:
В. Марецкая, В. Ванин, Н. Крючков, К. Сорокин, В. Телегина, В. Меркурьев.
«Ленфильм» киностудияси 1939 йилда ишлаган.
«Мосфильм» киностудияси 1964 йилда қайтадан таҳрир қилган.

Майя Плисецкая

НОМЛИ БАДИЙ ФИЛЬМ.

Сценарий автори — **В. Комиссаржевский.**
Режиссёр **В. Катанян.**
Ҳужжатли фильмлар Марказий студияси 1964 йилда ишлаган.

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ
7 мартдан 28 мартгача
Ип газламалар сотиш-виставкаси
УЮШТИРАДИ.
28 мартдан 30 мартгача
ХАРИДОРЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ
ўтказилади.

Тошкент шаҳридаги
ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ СОТИШ БАЗАСИ
колхоз ва совхозларга, давлат ва кооператив ташкилотларига емга ярокли 30 процентгача дони бўлган

Дон чиқиндилари сотади

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-83, Заготзерно кўчаси (5-трамвай, 7, 12, 17, 26-автобуснинг «Зелёная» остановкаси).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—31936. Партия турмуши бўлими—26232. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, маданиятлар бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р-01707. Индекс 64969. Нашр. № 1713.